

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** 48-49-сон  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ** (288-289)  
**ТЎПЛАМИ** 2007 й.  
ноябрь-  
декабрь

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

—

## **МУНДАРИЖА**

### *Биринчи бўлим*

481. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти» давлат корхонасининг устави тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 29 ноябрдаги 674–I, 402–I, 248-сон қарори

### *Иккинчи бўлим*

482. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Корея Республикасидаги меҳнат фаолияти даврида тўланган пенсия ажратмаларини олишда уларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 ноябрдаги ПҚ–738-сон қарори

483. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 декабрдаги ПҚ–740-сон қарори

484. «2008-2009 йилларда автомобиль саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 декабрдаги ПҚ-741-сон қарори [Кўчирма]

#### Учинчи бўлим

485. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 29 ноябрдаги 247-сон қарори

486. «Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 6 декабрдаги 249-сон қарори

#### Бешинчи бўлим

488. «Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2007 йил 24 ноябрдаги 226-мх-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 24 ноябрда 1741-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

489. «Ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 10 ноябрдаги 245-В-2, 01-02/19-37-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 26 ноябрда 1137-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

490. «Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 17 ноябрдаги 31/1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 27 ноябрда 1648-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

491. «Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқаришнинг умумий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқаси хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 31 октябрдаги 02-8/3189, 15, 132, 8, 206, 17-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 27 ноябрда 1742-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

492. «Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқаси хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 31 октябрдаги 02-8/3191, 16, 133, 9, 207, 18-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 27 ноябрда 1743-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
493. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 30 октябрдаги 98-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 29 ноябрда 1744-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
494. «Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2007 йил 30 октябрдаги 2007-10-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 декабрда 1745-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
495. «Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 17 октябрдаги 93-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 декабрда 1746-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
496. «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазначилик ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳисоблар режасини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 23 ноябрдаги 102-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 декабрда 1570-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
497. «Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси томонидан пахта шроти ва шелухасини сотиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 3 декабрдаги 36, 103, 01/19-18/16-ЎзРТСБ-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 6 декабрда 1623-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 24 ноябрдан 7 декабргача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИНИНГ КЕНГАШИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИНИНГ КЕНГАШИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

### 481 «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти» давлат корхонасининг устави тўғрисида

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган 214-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилдилар:**

1. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти» давлат корхонасининг устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А. Тўхтаев) «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти» давлат корхонасини, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б. Алимов) «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишни таъминласин.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Х.Н. Дўстмухамедов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ўринбосари Ф.Ф. Муҳитдинова ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Н. Ариповга муассислар билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти» давлат корхонаси ўртасида шартнома тузиш топширилсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 декабрда қабул қилинган «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятининг Устави ва таҳрир ҳайъатининг таркиби тўғрисида»ги 585–II/564-сонли Қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатасининг  
Спикери  
Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 29 ноябрь,  
674–I-сон

**Ўзбекистон  
Республикаси  
Олий Мажлиси  
Сенатининг Раиси  
И. СОБИРОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 29 ноябрь,  
402–I-сон

**Ўзбекистон  
Республикасининг  
Бош вазири  
Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 29 ноябрь,  
248-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон  
Республикаси Олий Мажлиси Сенати  
Кенгаши, Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 29 ноябрдаги 674-І, 402-І,  
248-сон қарорлари билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти»  
давлат корхонасининг  
УСТАВИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу устав Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти» давлат корхонасининг (бундан буён матнда «Таҳририят» деб юритилади) ҳуқуқий мақомини, фаолияти хусусиятларини, Муассисларнинг, Таҳририятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, Таҳририят ва Муассислар ўртасидаги мулкӣ муносабатларни белгилайди.

2. Таҳририятнинг муассислари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён матнда «Муассислар» деб юритилади) ҳисобланади.

3. Таҳририят ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур уставга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Таҳририят ўзига тезкор бошқариш ҳуқуқи асосида берилган давлат мулкӣ негизда ташкил этилган давлат унитар корхонасидир. Таҳририят ўзига берилган мулкдан қонунга, ўз фаолиятининг мақсадлари ва вазифаларига, мулкдорнинг (ваколатли давлат органининг) топшириқларига мувофиқ фойдаланади ҳамда уни тасарруф этади.

5. Таҳририятнинг номи:

ўзбек тилида — «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти» давлат корхонаси;

рус тилида — Государственное предприятие «Редакция газет «Халк сузи» и «Народное слово».

6. Таҳририят юридик шахс бўлиб, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб-китоб варақларига, шу жумладан валюта ҳисоб-китоб варақларига, ўз рамзи ва логотипларига, штамплари ва бланкаларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг тўлиқ расмий номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

7. Таҳририят қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз зиммасига мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар олишга ҳамда уларни амалга оширишга, судда даъвогар ва жавобгар бўлишга ҳақлидир.

8. Таҳририят давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

9. Таҳририят манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

10. Таҳририятнинг асосий фаолияти «Халқ сўзи» ва «Народное слово» ижтимоий-сиёсий ва оммавий нашрларини чиқаришдан иборатдир.

11. «Халқ сўзи» газетаси ижтимоий-сиёсий ва оммавий нашр бўлиб, ўзбек тилида, ҳафтада 5 марта, А-2 бичимида, 4 ёки 6 (кейинчалик ундан ҳам кўп) саҳифада чоп этилади.

12. «Народное слово» газетаси ижтимоий-сиёсий ва оммавий нашр бўлиб, рус тилида, ҳафтада 5 марта, А-2 бичимида, 4 ёки 6 (кейинчалик ундан ҳам кўп) саҳифада чоп этилади.

### 2-боб. Таҳририятнинг асосий вазифалари

13. Таҳририятнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида материаллар чоп этиш орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа тузилмалар фаолиятини ҳолис ёритиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари матнларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Муассислар ҳамда уларнинг органлари қарорлари ва фармойишларини, уларнинг мажлислари ва йиғилишларига доир материалларни чоп этиш;

мамлакат ва дунё ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида содир бўлаётган демократик ўзгаришларни, воқеаларни ҳолис ва ҳаққоний тарзда ёритувчи материаллар ҳамда ахборотларни мунтазам эълон қилиб бориш.

14. Асосий вазифаларига мувофиқ Таҳририят:

мақолалар ва ахборот-маълумотларнинг юксак профессионал даражада тайёрланишини, уларнинг ҳолислиги ва тўғрилигини таъминлайди;

тарихий, умуминсоний, маънавий, маданий қадриятларга, миллий анъаналарга қизиқиш ўсиб бораётганлиги муносабати билан мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва йўналишларини кенг ёритиб боради;

адабий-бадний иловалар, альбомлар чиқаради, юридик ва жисмоний шахсларнинг реклама ҳамда эълонларини белгиланган тартибда эълон қилади;

ижодий жамоада қулай иш шароитларини яратади, ходимларни ўз хизмат вазифаларини бажариши учун зарур бўлган техника воситалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлайди;

меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлайди;

ходимларнинг ижодий муваффақиятларини маънавий ва моддий жиҳатдан раҳбатлантириб боради, уларнинг касбий маҳоратини оширишга кўмаклашади, турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилади.

### 3-боб. Муассисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

15. Муассислар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Таҳририят фаолиятининг турлари, мақсади, предметини белгилаш;

Таҳририятнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилмасини тасдиқлаш;

Таҳририят уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Таҳририят бош муҳаррири билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муддатидан олдин тугатиш;

Таҳририятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

Таҳририят мулки билан боғлиқ битимларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

Таҳририятнинг ортиқча ёки фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкни олиб қўйиш ёки тасарруф этиш;

зарур ҳолларда Таҳририятни хусусийлаштириш ёки давлат мулкидан чиқариш;

Таҳририятга етказилган зарарларни ундириш тўғрисида Таҳририят раҳбарига нисбатан даъво тақдим этиш;

босма маҳсулотнинг қонун ҳужжатлари талаблари ва давлат стандартларига мослигини назорат қилиш;

Таҳририятнинг қонуний манфаатларини давлат муассасалари ва чет давлатлар олдида ҳимоя қилиш, унинг фаолиятини ривожлантиришга қўмаклашиш;

Таҳририят томонидан бошқа шахсларга фойдаланишга берилган мол-мулкдан олинган фойданинг ҳаммасини ёки бир қисmini уставга мувофиқ олиш;

қонун ҳужжатларида, ушбу Уставада, шунингдек Муассислар билан Таҳририят ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган ваколатлар доирасида Таҳририят фаолиятини бошқаришда иштирок этиш;

Таҳририятдан қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ҳолисона ёритишни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Муассисларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, матбуотда эълон қилиш учун мўлжалланган материаллар белгиланган муддатларда чоп этилишини талаб қилиш.

16. Муассислар:

Таҳририят Уставини тасдиқлаши;

Таҳририят билан шартнома тузиши;

Таҳририят томонидан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаши;

Таҳририят бош муҳарририни тайинлаши, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ у билан меҳнат шартномаси тузиши;

бош муҳаррир ўринбосарини, масъул котибни тайинлаши;

мол-мулкни тасарруф этиш учун Таҳририятга рухсат бериши;

зарур ҳолларда Таҳририятга моддий-техникавий, молиявий ва бошқа ёрдам кўрсатиши;

Таҳририятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан белгиланган тартибда текширишлар ва аудит ўтказилишини, назорат олиб борилишини таъминлаши;

Таҳририятга берилган давлат мулкидан мақсадли фойдаланилишини ва унинг лозим даражада сақланишини назорат қилиши шарт.

17. Муассислар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши, шунингдек уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

#### 4-боб. Таҳририятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

18. Таҳририят қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш;

ахборот олиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, бошқа ташкилотларга мурожаат қилиш;

эълон қилишга тайёрланган материалларни текшириш учун ваколатли ташкилотларга ва мутахассис-экспертларга мурожаат қилиш;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш;

ахборот, реклама, дизайн, матбаа хизматлари кўрсатиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иловалар нашр этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкни тасарруф этиш;

газеталарни чиқариш режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ўз фойдасининг бир қисмини Таҳририят фаолиятини ривожлантиришга ҳамда ходимларни моддий рағбатлантиришга белгиланган тартибда йўналтириш.

19. Таҳририят:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

газеталардаги мақолаларнинг мазмунан юксак савияли ва маъноси тушунарли бўлишини, долзарблигини таъминлаши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Муассислар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, улар фаолиятини ёритувчи бошқа материалларни бепул эълон қилиши;

Муассисларга Таҳририятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши;

тасарруфидаги мол-мулкдан белгиланган мақсадда фойдаланилишини ва унинг лозим даражада сақланишини таъминлаши шарт.

20. Таҳририят қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши, шунингдек унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

21. Таҳририят ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради. Таҳририятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Муассислар Таҳририят мажбуриятлари бўйича белгиланган тартибда субсидияр жавобгар бўлади.

22. Таҳририят Муассисларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

#### 5-боб. Таҳририятнинг мол-мулки

23. Таҳририятнинг устав фонди 21.011,0 (йигирма бир миллион ўн бир) минг сўмни ташкил этади.

24. Таҳририятнинг мол-мулки:

Таҳририятга тезкор бошқариш ҳуқуқи асосида берилган мол-мулк;

Таҳририятнинг ўз фаолиятидан олинган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

25. Таҳририят мол-мулкининг қиймати Таҳририятнинг мустақил балансида акс этирилади.

26. Таҳририят мол-мулки бўлинмас бўлиб, у киритилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан Таҳририят ходимлари ўртасида ҳам тақсимланмайди.

27. Таҳририят мол-мулкини тасарруф этиш қуйидаги ҳолларда Муассислар билан келишилган ҳолда Таҳририят раҳбари томонидан амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга бериш;

хўжалик жамиятларининг акцияларини (улушларини) сотиб олиш;

хўжалик жамиятининг давлат корхонасига тегишли бўлган акцияларини (улушларини) сотиш;

мол-мулкни Таҳририят фаолиятининг уставида белгиланган мақсад ва вазифаларга номувофиқ бошқа мақсадларда тасарруф этиш.

28. Таҳририятнинг устав фонди қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда камайтирилиши ёки олинган фойда ёхуд Муассислар томонидан унга берилган қўшимча мол-мулк ҳисобига қўпайтирилиши мумкин.

29. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойда Таҳририят тасарруфига ўтади.

30. Таҳририят тасарруфида қоладиган соф фойда белгиланган тартибда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этишга йўналтирилиши мумкин.

#### **6-боб. Таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантириш тартиби**

31. Жорий масалаларни ва истиқболга мўлжалланган вазифаларни ҳал этиш учун таҳрир хайъати ташкил этилади. Таҳрир хайъати Таҳририятнинг ижро этувчи органи бўлиб, унинг таркибига: бош муҳаррир, Муассислар вакиллари, бош муҳаррир ўринбосарлари, масъул котиблар ва етакчи бўлимларнинг муҳаррирлари, журналистлар, жамоатчилик вакиллари кирадилар. Таҳрир хайъатининг шахсий таркиби ва аъзолари сони бош муҳаррир тавсиясига биноан Муассислар қарори билан тасдиқланади.

32. Таҳририятга бош муҳаррир бошчилик қилади. Бош муҳаррир Муассислар қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бош муҳаррир ўринбосарлари ва масъул котиблар бош муҳаррирнинг тавсиясига биноан Муассислар қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

33. Бош муҳаррир Муассислар олдида Таҳририят фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот беради.

34. Бош муҳаррир Муассислар билан келишган ҳолда Таҳририятнинг штат жадвалини тасдиқлайди.

35. Бош муҳаррир ўз ваколатлари доирасида:

ўз ўринбосарларини ҳамда масъул котибларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш бўйича Муассисларга таклифлар киритади;

Таҳририят олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, таҳрир хайъати ва Таҳририят меҳнат жамоаси ишига бошчилик қилади, Таҳририят номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, буйруқлар чиқаради, ишончномалар беради;

белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

Таҳририят ходимларининг лавозим маошларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда устамалар белгилайди;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

36. Бош муҳаррир ўз ваколатларини ва мансаб вазифаларини бажаришда Таҳририят манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар, солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар, ходимларнинг иш ҳақи ва иш ҳақиға тенглаштирилган бошқа тўловлар ўз вақтида тўланишини, меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган қонуний талабларнинг қаноатлантирилишини, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағлари ўтказилишини таъминлайди.

37. Бош муҳаррир ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

38. Бош муҳаррир вақтинча йўқлигида унинг вазифасини унинг ўринбосарларидан бири бажариб туради.

#### **7-боб. Таҳририят ходимлари**

39. Таҳририят штатида турган, материалларни тўплаш, таҳрир, таҳлил қилиш, тайёрлаш билан шуғулланувчи шахслар, шунингдек техник ва хизмат кўрсатувчи персонал Таҳририят ходимларидир.

40. Таҳририят ходимлари таркибига кирувчи ижодий ходимларга: бош муҳаррир, унинг ўринбосарлари, масъул котиблар, адабий котиблар, бўлимларнинг муҳаррирлари, шарҳловчилар, ўз мухбирлари ва катта мухбирлар, мухбирлар, фото-мухбирлар, рассомлар ҳамда таржимонлар, реклама бўлими ходимлари киради.

41. Таҳририят жамоасидаги меҳнатга оид муносабатлар қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, жамоа шартномаси талаблари асосида, ички меҳнат тартиби қоидалари, мансаб йўриқномалари ҳамда Таҳририят қабул қилган бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ тартибга солинади. Таҳририят ходимларига ягона намунадаги гувоҳнома берилади.

42. Таҳририят ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шакли, тизими, миқдори, шунингдек қалам ҳақи миқдори Таҳририят томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

#### **8-боб. Газеталарнинг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тартиби**

43. Газеталарнинг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

#### **9-боб. Таҳририят фаолиятини назорат қилиш**

44. Таҳририят ҳисобот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисоботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади. Таҳририят ҳужжатларнинг сақланишини ва уларнинг белгиланган тартибда давлат архивига сақлаш учун топширилишини таъминлайди.

45. Таҳририятнинг хўжалик юритувчи субъект сифатидаги фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассислар ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

#### **10-боб. Таҳририятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш**

46. Таҳририят қонун ҳужжатларига мувофиқ Муассислар қарорига кўра ёки суд қарори асосида қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

47. Таҳририят тугатилганда унинг пул маблағлари, мол-мулки ва бошқа активлари кредиторлар билан барча ҳисоб-китоблар қилинганидан сўнг белгиланган тартибда Муассислар тасарруфига ўтказилади.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **482 Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Корея Республикасидаги меҳнат фаолияти даврида тўланган пенсия ажратмаларини олишда уларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Корея Республикасида ишлаб келган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан пенсия ажратмаларини олишда давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Корея Республикасида ишлаган хорижий фуқароларнинг пенсия ажратмалари, Корея Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, Корея Республикаси Миллий пенсия хизматида тузиладиган рўйхатларга киритилган фуқароларнинг банкдаги шахсий ҳисобварақига қайтарилади.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг Корея Республикасида ишлаган даврида тўланган пенсия ажратмаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Корея Республикасининг Миллий пенсия хизмати томонидан тақдим этилган фуқаролар рўйхати асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қайтариладиган маблағларни олиш тартибини кўрсатган ҳолда уларга пенсия ажратмалари қайтарилиши тўғрисидаги шахсий билдиришномаларни йўлласин.

4. Давлат-акциядорлик Халқ банки мазкур рўйхатга киритилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун бошланғич маблағлар қўйилмаган ва тўловлар ундирилмаган ҳолда валюта ҳисобварақлари очилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан пенсия ажратмалари қайтарилишини расмийлаштириш учун юбориладиган зарур ҳужжатларни дипломатик каналлар орқали узатишга қўмаклашсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи дирекцияси билан Халқ банки Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан пенсия ажратмалари оладиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида Корея Республикасидаги иш давларини давлат пенсия таъминоти ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига қўшиш учун мажбурий суғурта бадалларини Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб борсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 23 ноябрь,  
ПҚ-738-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 23 ноябрдаги  
ПҚ-738-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг Корея  
Республикасида ишлаган даврида тўланган пенсия  
ажратмаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Корея Республикасида ишлаган даврида тўланган пенсия ажратмаларини Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан олишда уларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш механизмини белгилайди.

2. Корея Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Корея Республикаси корхоналарида ишлаган даврда тўланган пенсия ажратмалари уларга қайтарилиши керак.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан Корея Республикасида ишлаган ва қайтариладиган пенсия ажратмаларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар (кейинги ўринларда «фуқаролар» деб юритилади) рўйхатини олади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги (кейинги ўринларда «Агентлик» деб юритилади) фуқароларнинг рўйхатлари асосида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан фуқаролар рўйхатини олган пайтдан бошлаб икки ҳафтада фуқаролар пенсия ажратмалари олиши тартибини тушунтирган ҳолда уларга шахсий ёзма билдиришномалар юборади.

5. Фуқароларнинг рўйхатлари, шунингдек Корея Республикаси Миллий пенсия хизмати томонидан белгиланган сўровнома-ариза бланкаси шакллари ҳамда валюта ҳисобварағи мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжат улар олинган пайтдан бошлаб икки иш куни мобайнида Агентлик томонидан Халқ банкининг ҳудудий бўлимлари эътиборига етказилади. Мазкур бўлимлар кўрсатиб ўтилган рўйхатларни икки иш куни мобайнида Халқ банкининг туман ва шаҳар филиалларига етказди.

6. Корея Республикаси Миллий пенсия хизмати рўйхатларига киритилган фуқароларнинг шахсий аризалари асосида ушбу фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича Халқ банкининг туман, шаҳар филиаллари белгиланган тартибда фуқароларга депозит валюта ҳисобварақлари очади.

Фуқароларга депозит валюта ҳисобварақлари очиш учун ушбу ҳисобварақла-

рига олдиндан пул маблағлари қўйиш, шунингдек ҳисобварағи очилгани учун ҳақ тўлаш талаб қилинмайди.

7. Халқ банкининг туман, шаҳар филиаллари фуқарога депозит валюта ҳисобварағи очилгандан кейин унга:

Корея Республикаси Миллий пенсия хизмати томонидан белгиланган шакл бўйича сўровнома-ариза бланкасини;

Корея Республикаси Миллий пенсия хизмати томонидан белгиланган шакл бўйича валюта ҳисобварағи мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатни топширади.

8. Сўровнома-ариза бланкаси ва валюта ҳисобварағи мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжат фуқаронинг ўз қўли билан тўлдирилади ва имзоланади. Фуқаронинг имзолари белгиланган тартибда нотариус орқали тасдиқланиши керак.

9. Ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг асл нусхалари, фуқаронинг нотариал тартибда тасдиқланган имзолари билан, шунингдек фуқаро паспортининг нусхаси (2 ва 3-саҳифалар) фуқаро томонидан депозит валюта ҳисобварағи очилган жой бўйича Халқ банкининг тегишли филиалига қайтарилади.

10. Халқ банкининг тегишли туман, шаҳар филиаллари:

фуқаролардан олинган ҳужжатларни махсус реестрда рўйхатдан ўтказди;

фуқароларга ҳужжатлар олинганлиги тўғрисида ёзма тасдиқнома беради;

бир ҳафта муддатда Агентликка реестрнинг нусхаси илова қилинган ҳолда фуқаролардан тушган ҳужжатларни юборади.

11. Агентлик Халқ банкининг филиалидан ҳужжатлар олингандан кейин икки ҳафта мобайнида Корея Республикаси Миллий пенсия хизмати талабларига мувофиқ ҳар бир фуқаро бўйича ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишини текширади ва ҳар ойда ушбу ҳужжатлар комплексларини дипломатик каналлар орқали Корея Республикаси Миллий пенсия хизматига жўнатиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига юборади.

12. Корея Республикаси Миллий пенсия хизматининг тегишли ҳужжатлари олингандан кейин фуқароларга пенсия ажратмаларини қайтариш Корея Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Фуқаролар депозит валюта ҳисобварағига тушган пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз хоҳишларига кўра тасарруф этиш ҳуқуқига эгадир.

13. Халқ банкининг филиали:

уч кун муддатда фуқарони унинг депозит валюта ҳисобварағига Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан маблағ тушганлиги тўғрисида хабардор қилиши;

Корея Республикаси Миллий пенсия хизматидан фуқаронинг депозит валюта ҳисобварағига тушган нақд чет эл валютаси унинг биринчи талаби билан берилишини таъминлаши шарт.

14. Фуқароларнинг Корея Республикасида ишлаган даври Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат пенсия таъминотига бўлган ҳуқуқни берадиган стажга қўшилади.

15. Фуқаролар зарур ҳужжатларни шахсан расмийлаштириш ва депозит валюта ҳисобварағини очиш имконига эга бўлмаган ҳолларда, ушбу саъй-ҳаракатлар мазкур Низомга ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ:

фуқарони муомалага лаёқатсиз деб эътироф этиш тўғрисида суднинг қарори қонуний кучга кирган тақдирда — васийлар томонидан;

тегишли муассасаларнинг бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишончномалар мавжуд бўлган тақдирда, — озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган ёки қамокда сақланаётган шахсларнинг вакиллари томонидан амалга оширилади.

Фуқаро вафот этган ҳолларда ҳужжатларни расмийлаштириш унинг меросхўрлари томонидан мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

Қайтарилаётган пенсия ажратмаларини ушбу бандда кўрсатилган шахслар тоифаси бўйича ўтказиш учун депозит валюта ҳисобварақлари очиш чоғида Халқ банкнинг филиалларига васийлар ва меросхўрларнинг, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган ёки қамоқда сақланаётган шахслар вакилларининг тегишли ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар қўшимча равишда тақдим этилади. Халқ банки филиаллари қўшимча равишда тақдим этилган ҳужжатларни Агентликка бошқа ҳужжатлар билан бирга жўнатади.

16. Корея Республикаси Миллий пенсия хизмати томонидан тақдим этилган рўйхатларга киритилган, бироқ ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланмаган шахслар ўзларига пенсия ажратмаларини қайтариш масаласи бўйича Корея Республикаси Миллий пенсия хизматига мустақил равишда мурожаат қиладилар.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 483 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида 2008 — 2012 йиллардаги иқтисодий ҳамкорлик ҳақида 2007 йил 18 октябрь куни Ашхобод шаҳрида имзоланган Шартнома тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартибқоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 5 декабрь,  
ПҚ-740-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**484 2008-2009 йилларда автомобиль саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида****[Кўчирма]**

Республика автомобиль саноатини янада барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, автобуслар ва бутловчи буюмлар сифати ҳамда рақобатбардошлигини ошириш, экспорт ҳажмларини кўпайтириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2008-2009 йилларда автомобиль саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

автомобиль саноати учун тайёр маҳсулот ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни ўстиришнинг барқарор юксак суръатларини таъминлаш ҳамда шу асосда ички бозорда автомобиль маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжни қондириш даражасини янада ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш;

автотранспорт воситаларининг бутловчи қисмлари ва узеллари ишлаб чиқаришни чуқур маҳаллийлаштириш;

юқори унумли илғор технологиялар ва ускуналарни жорий этиш йўли билан автомобилларнинг хавфсизлик, сифат ҳамда экологик характеристикалари бўйича халқаро талабларга жавоб берадиган янги замонавий моделларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

2. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган 2008-2009 йилларда автомобиль саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури маъқуллансин, у қуйидагиларни ўз ичига олган:

автомобиль саноати корхоналари томонидан асосий турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг мақсадли параметрлари 1-иловага\* мувофиқ;

«Ўзавтосаноат» АК корхоналари томонидан автомобиль маҳсулотлари экспорт қилишнинг мақсадли параметрлари 2-иловага\* мувофиқ;

автомобиль саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва янги маҳсулот турларини ўзлаштириш бўйича лойиҳалар рўйхати 3-иловага\* мувофиқ.

3. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ва тармоқ корхоналари раҳбарлари зиммасига қуйидагиларни таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин:

2008-2009 йилларда автомобиль саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурига киритилган мақсадли прогноз параметрларига тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда эришиш ва лойиҳаларни амалга ошириш;

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари билан биргаликда лойиҳа институтлари, «Женерал Моторс» корпорациясининг муҳандислик марказлари ва бошқа хорижий ҳамкорларни жалб этган ҳолда, мазкур қарорнинг 3-илова-

\* 1—3-иловалар берилмайди.

сига киритилган лойиҳаларнинг лойиҳа ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқиш, келишиб олиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳар йили Инвестиция дастурини шакллантиришда, белгиланган тартибда унга 2008-2009 йилларда автомобиль саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурида кўзда тутилган инвестиция лойиҳалари, биринчи навбатда, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларини оширишни ҳамда маҳаллийлаштириш даражасини чуқурлаштиришни назарда тутган ҳолда киритилишини таъминласин.

5. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга биноан, ушбу қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган параметрлар доирасида олиб келинадиган ускуналар, двигателлар, трансмиссиялар, материаллар, бутловчи буюмлар ва узеллар, технологик ҳужжатлар ҳамда автомобиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш жиҳозлари, шунингдек автомобилларни йирик блокли йиғиш тўпламлари учун 2010 йилнинг 1 январигача божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг қўшма тақдимномаси бўйича 2008-2009 йилларда автомобиль саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастурига, бозор конъюнктурасининг ўзгариши ва автомобиль маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиялари ривожланишига мувофиқ инвестиция лойиҳаларининг ўзгариш эҳтимолини назарда тутган ҳолда аниқлик ва қўшимчалар киритишга рухсат этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Қ.С. Санақулов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 5 декабрь,  
ПҚ-741-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **485 Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини такомиллаштириш ва тартибга солиш мақсадида, шунингдек «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида» 2007 йил 23 январдаги ПҚ–573-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни овқат билан таъминлаш нормалари 1-иловага мувофиқ;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлаш нормалари 2-иловага мувофиқ;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни шахсий гигиена буюмлари билан таъминлаш нормалари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларга уларнинг шахсий харажатлари учун ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг икки барава-ри миқдорида пул маблағлари тўлови белгилансин.

3. 1, 2 ва 3-иловаларда назарда тутилган таъминот нормалари, шунингдек олий таълим муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларга ҳам татбиқ этилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорни бажариш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш давлат таълим муассасалари фаолиятини таъминлаш учун тегишли йилга назарда тутилаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда олий таълим муассасаларида ўқиётган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни оромгоҳларга, шу жумладан санаторий типдаги оромгоҳларга, пансионатлар ва профилакторийларга, дам олиш уйларига, спорт-соғломлаштириш оромгоҳларига, тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда эса —

тегишли йўналишдаги санаторийларга бепул йўлланмалар билан таъминлашни назарда тутсинлар.

Ўқувчилар ва талабаларнинг, зарурат бўлганда эса уларни кузатиб борувчи шахсларнинг ҳам кўрсатиб ўтилган муассасалардаги дам олиш жойларигача бориши ва у ердан қайтиши билан боғлиқ йўлқира харажатлари ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда олий таълим муассасаларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари доирасида амалга оширилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 29 ноябрь,  
247-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 29 ноябрдаги 247-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида  
ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва  
ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни овқат  
билан таъминлаш нормалари  
(бир киши ҳисобига кунига грамм (брутто))**

| Т/р | Овқат маҳсулотларининг номи                                 | 15—18 ёш |
|-----|-------------------------------------------------------------|----------|
| 1.  | 1-сорт буғдой нон                                           | 600      |
| 2.  | Буғдой уни*                                                 | 35       |
| 3.  | Картошка крахмали*                                          | 3        |
| 4.  | Дуккакдилар ёрмаси, макарон маҳсулотлари*                   | 75       |
| 5.  | Қанд-шакар                                                  | 90       |
| 6.  | Қандолатчилик маҳсулотлари                                  | 25       |
| 7.  | Сариёғ*                                                     | 30       |
| 8.  | Ўсимлик ёғи*                                                | 20       |
| 9.  | Сут, қатиқ-сут маҳсулотлари                                 | 400      |
| 10. | Қаймоқ                                                      | 10       |
| 11. | Сузма*                                                      | 70       |
| 12. | Пишлоқ*                                                     | 12       |
| 13. | Гўшт, парранда гўшти                                        | 200      |
| 14. | Пиширилган колбаса, сосискалар*                             | 25       |
| 15. | Балиқ                                                       | 35       |
| 16. | Тухум (дона)                                                | 1        |
| 17. | Картошка*                                                   | 400      |
| 18. | Сабзавотлар, ошкўклар, тузламалар, шу жумладан томат (3 г.) | 455      |
| 19. | Хўл мевалар                                                 | 250      |
| 20. | Мева, сабзавот шарбатлари                                   | 200      |
| 21. | Қуруқ мевалар, шу жумладан наъматак (5 г.)                  | 15       |

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

| Т/р | Овқат маҳсулотларининг номи | 15—18 ёш |
|-----|-----------------------------|----------|
| 22. | Чой                         | 0,5      |
| 23. | Йодланган туз               | 8        |
| 24. | Ачитқилар*                  | 1        |
| 25. | Зираворлар*                 | 2        |

\* бир ҳафта учун ўртача суткалик нормалар.

Изоҳлар:

1. Айрим овқат маҳсулотларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар доирасида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган маҳсулотларни асосий озиқ-овқат моддалари бўйича алмаштириш жадвалига мувофиқ алмаштиришга рухсат этилади.

2. Ўқувчиларнинг дам олиш, байрам ва таътил кунларида қариндошлари ёки бошқа фуқароларнинг оилаларида бўлиш вақти учун овқат маҳсулотлари ёки пул компенсацияси берилишига рухсат этилади.

3. Ўқув юртлари ва ётоқхоналарда иссиқ овқат мавжуд бўлмаганда, шунингдек фақат бир марталик иссиқ овқат мавжуд бўлганда ўқувчиларга бир марталик овқат билан компенсация қилинмаган миқдорда (савдо устамасини ҳисобга олган ҳолда) тўлиқ ёки қисман нақд пул берилади.

4. «Меҳрибонлик» уйларида, умумтаълим типдаги мактаб-интернатларда ўқиётган ва тарбияланаётган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими таълим муассасаларига ўқишга кириш учун юборилганда уларга йўлқира ва йўлда бораётган вақтида овқатланиш харажатлари уларни юбораётган муассаса маблағлари ҳисобига тўланади.

5. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида бошқа шаҳарлардан келган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларга улар ўқув юртига етиб келган вақтдан бошлаб ўқишга қабул қилингунгача бепул овқат берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 29 ноябрдаги 247-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлаш нормалари**

| Т/р | Кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ буюмлар номи     | Ўлчов бирлиги | Бир ўқувчи ҳисобига |                          |             |                          |
|-----|-----------------------------------------------|---------------|---------------------|--------------------------|-------------|--------------------------|
|     |                                               |               | Ўғил болалар учун   |                          | Қизлар учун |                          |
|     |                                               |               | сонини              | фойдаланиш муддати (йил) | сонини      | фойдаланиш муддати (йил) |
|     | <b>Кийим-бошлар:</b>                          |               |                     |                          |             |                          |
| 1.  | қишки пальто                                  | та            | 1                   | 3                        | 1           | 3                        |
| 2.  | мавсумий пальто, куртка                       | «             | 1                   | 2                        | 1           | 2                        |
| 3.  | Ўқиш учун костюм:                             |               |                     |                          |             |                          |
|     | — қишки                                       | тўплам        | 1                   | 1                        | 1           | 1                        |
|     | — ёзги                                        | «             | 1                   | 1                        | 1           | 1                        |
| 4.  | Ўқиш учун ип-газламадан тикилган оқ кўйлақлар | та            | 2                   | 2                        | 2           | 2                        |
| 5.  | спорт формаси ва кедлар                       | тўплам        | 2                   | 2                        | 2           | 2                        |
| 6.  | Ўғил болалар учун костюмлар                   | «             | 3                   | 2                        |             |                          |
| 7.  | қизлар учун кўйлақлар (юбкалар, блузкалар)    | та            |                     |                          | 3           | 2                        |

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

| Т/р                   | Кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ буюмлар номи                | Ўлчов бирлиги | Бир ўқувчи ҳисобига |                          |             |                          |
|-----------------------|----------------------------------------------------------|---------------|---------------------|--------------------------|-------------|--------------------------|
|                       |                                                          |               | ўғил болалар учун   |                          | қизлар учун |                          |
|                       |                                                          |               | сони                | фойдаланиш муддати (йил) | сони        | фойдаланиш муддати (йил) |
| 8.                    | қизлар учун уй халатлари                                 | «             |                     |                          | 2           | 2                        |
| 9.                    | ўғил болалар учун ип-газламадан тикилган устки кўйлақлар | та            | 3                   | 1                        |             |                          |
| 10.                   | байрамлар учун қишки костюм ёки кўйлақ                   | «             | 1                   | 2                        | 1           | 2                        |
| 11.                   | байрамлар учун ёзги костюм ёки кўйлақ                    | «             | 1                   | 2                        | 1           | 2                        |
| 12.                   | жун свитер (жемпер)                                      | «             | 1                   | 2                        | 1           | 2                        |
| 13.                   | қизлар учун рейтузалар                                   | «             |                     |                          | 2           | 1                        |
| 14.                   | ёзги бош кийим                                           | «             | 1                   | 1                        | 1           | 1                        |
| 15.                   | қишки бош кийим                                          | «             | 1                   | 2                        | 1           | 2                        |
| 16.                   | дастрёмол                                                | «             | 4                   | 1                        | 4           | 1                        |
| 17.                   | уй шимлари (жинсилар)                                    | «             | 1                   | 1                        | 1           | 1                        |
| 18.                   | ўғил болалар учун шим камарлари                          | «             | 1                   | 1                        |             |                          |
| 19.                   | ярим жун шарфлар                                         | «             | 1                   | 3                        | 1           | 3                        |
| 20.                   | қўлқоплар (панжасиз қўлқоплар)                           | жуфт          | 1                   | 3                        | 1           | 3                        |
| 21.                   | биостальтер                                              | та            |                     |                          | 3           | 1                        |
| 22.                   | қизлар учун трико                                        | «             |                     |                          | 5           | 1                        |
| 23.                   | калта спорт иштонлари                                    | «             | 2                   | 1                        |             |                          |
| 24.                   | шортилар                                                 | «             | 1                   | 1                        | 1           | 1                        |
| 25.                   | майка                                                    | «             | 3                   | 1                        |             |                          |
| 26.                   | футболка                                                 |               | 2                   | 1                        | 2           | 1                        |
| 27.                   | ип-газлама пайпоқлар, гольфлар                           | жуфт          | 5                   | 1                        | 5           | 1                        |
| 28.                   | тунги кўйлақлар, пижамалар                               | та            | 2                   | 1                        | 2           | 1                        |
| 29.                   | колготкалар                                              | жуфт          |                     |                          | 5           | 1                        |
| 30.                   | чўмилиш кўйлаги, плавкилар                               | та            | 1                   | 1                        | 1           | 1                        |
| 31.                   | ботинкалар, туфлилар, кроссовкалар                       | жуфт          | 3                   | 1                        | 3           | 1                        |
| 32.                   | шипаклар                                                 | жуфт          | 2                   | 1                        | 2           | 1                        |
| 33.                   | этиklar, қишки ботинкалар                                | жуфт          | 1                   | 1                        | 1           | 1                        |
| 34.                   | портфеллар, сумкалар                                     | та            | 2                   | 3                        | 2           | 3                        |
| 35.                   | жомадон                                                  |               | 1                   | 5                        | 1           | 5                        |
| <b>Юмшоқ буюмлар:</b> |                                                          |               |                     |                          |             |                          |
| 36.                   | чойшаблар                                                | та            | 3                   | 2                        | 3           | 2                        |
| 37.                   | кўрпа чойшаблари                                         | «             | 2                   | 3                        | 2           | 3                        |
| 38.                   | кичик ёстиқ жилди                                        | «             | 1                   | 4                        | 1           | 4                        |
| 39.                   | катта ёстиқ жилди                                        | «             | 3                   | 3                        | 3           | 3                        |
| 40.                   | сочиқ                                                    | «             | 3                   | 2                        | 3           | 2                        |
| 41.                   | пахмоқ сочиқ                                             | «             | 3                   | 3                        | 3           | 3                        |
| 42.                   | жун ёки момиқли адёл                                     | «             | 1                   | 6                        | 1           | 6                        |
| 43.                   | пахмоқ адёл                                              | «             | 1                   | 4                        | 1           | 4                        |
| 44.                   | тўшак                                                    | + «           | 1                   | 4                        | 1           | 4                        |
| 45.                   | ёстиқ                                                    | «             | 1                   | 6                        | 1           | 6                        |
| 46.                   | тўшак қопламаси                                          | «             | 1                   | 6                        | 1           | 6                        |
| 47.                   | каравот олдида тўшаладиган гиламча                       | «             | 1                   | 6                        | 1           | 6                        |

Изоҳ. Ўрта махсус, касб-хунаар таълими муассасалари директорларига кўрсатиб ўтилган таъминот нормаларига, янги фасонларни ва тарбияланувчилар хоҳишларини ҳисобга олган олган ҳолда, ушбу мақсадлар учун ўқув муассасасига ажратиладиган маблағлар доирасида айрим ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 29 ноябрдаги 247-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида  
ўқийётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва  
ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни шахсий  
гигиена буюмлари билан таъминлаш нормалари**

| Т/р | Шахсий гигиена буюмларининг номи               | Ўлчов<br>бирлиги        | Бир ўқувчи ҳисобига |                             |             |                             |
|-----|------------------------------------------------|-------------------------|---------------------|-----------------------------|-------------|-----------------------------|
|     |                                                |                         | ўғил болалар учун   |                             | қизлар учун |                             |
|     |                                                |                         | сони                | фойдаланиш<br>муддати (йил) | сони        | фойдаланиш<br>муддати (йил) |
| 1.  | Тиш пастаси                                    | та                      | 12                  | 1                           | 12          | 1                           |
| 2.  | Тиш чўткаси                                    | та                      | 3                   | 1                           | 3           | 1                           |
| 3.  | Кир совун                                      | та                      | 12                  | 1                           | 12          | 1                           |
| 4.  | Атир совун                                     | та                      | 24                  | 1                           | 24          | 1                           |
| 5.  | Кир ювиш порошоклари                           | пакет (400 г.)          | 12                  | 1                           | 12          | 1                           |
| 6.  | Соқол олиш буюмлари                            | та                      | 12                  | 1                           | 5           | 1                           |
| 7.  | Тароқ                                          | та                      | 2                   | 1                           | 2           | 1                           |
| 8.  | Ҳожатхона қоғози                               | ўрам                    | 24                  | 1                           | 24          | 1                           |
| 9.  | Шампунь                                        | та (200 г.)             | 12                  | 1                           | 12          | 1                           |
| 10. | Дезодорант (аэрозоль)                          | та                      | 6                   | 1                           | 6           | 1                           |
| 11. | Гигиена қистирмалари                           | упаковка<br>(10 тадан)  |                     |                             | 12          | 1                           |
| 12. | Момиқ                                          | упаковка<br>(200 г.)    |                     |                             | 4           | 1                           |
| 13. | Пойабзал мойи                                  | тюбик                   | 6                   | 1                           | 6           | 1                           |
| 14. | Соқол олингандан кейин ишлатиладиган<br>лосьон | флакон (100-<br>150 г.) | 6                   | 1                           |             |                             |
| 15. | Баданни ювиш учун губка                        | та                      | 2                   | 1                           | 2           | 1                           |
| 16. | Тоғора                                         | та                      | 1                   | 3                           | 1           | 3                           |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**486 Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш  
эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб  
кириладиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини  
қўллаш тартиби тўғрисида**

Ўз эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, уларга бутловчи буюмлар, шунингдек хом ашё ва материаллар олиб кираётган хорижий инвесторлар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзларни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

## 1. Қуйидагилар:

«Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддаси биринчи қисмининг ўн учинчи хатбошига ва «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ хорижий инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкка божхона божи солинмаслиги;

хорижий инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини, қоидага қўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга ошириши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулк божхона божи солишдан озод этилиши бўйича имтиёзлар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга ҳам жорий этилганлиги назарда тутилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, хорижий инвесторлар томонидан ўз эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкни божхона божи солишдан озод этиш бўйича имтиёзлар 2008 йил 1 январдан бошлаб устав сармоясида хорижий инвесторнинг улуши камида 33 фоиз бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амал қилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг****Бош вазири****Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 6 декабрь,  
249-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**488** Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома-ни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
24 ноябрда 1741-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 4 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомнинг 11-бандига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон қарори билан тасдиқланган Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида Низомнинг 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, суд ижрочилари ижросига келиб тушган ижро ҳужжатлари бўйича ижро йиғими 2007 йилнинг 1 декабридан бошлаб ундирилади.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (С. Саттаров) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбаев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

5. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти 10 кун муддат ичида ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни манфаатдор шахслар эътиборига етказилишини таъминласин.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари З. Худойкулов зиммасига юклатилсин.

**Адлия вазирининг  
биринчи ўринбосари**

**А. АХМЕДОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 24 ноябрь,  
226-мх-сон

Адлия вазирининг  
2007 йил 24 ноябрдаги  
226-мх-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари  
қарорларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини  
назорат қилиш тартиби тўғрисида  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон қарорига мувофиқ, ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларни чиқариш, ижро этиш ва ҳисобини юритиш, шунингдек уларнинг ундирилиши устидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Йўриқномада мулкый характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари дейилганда қарздор томонидан ундирувчига, давлат фойдасига ёхуд бошқа шахсга муайян пул маблағларини тўлашни назарда тутувчи суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатлари тушунилади.

Мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари дейилганда қарздорга муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатлари тушунилади.

2. Ижро йиғими суд ижрочиси томонидан суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда амалга ошириладиган ундирувни назарда тутди.

3. Ижро йиғими қарздордан ижро ҳужжатини ихтиёрий равишда ижро этиш муддати ўтгандан сўнг, қуйидаги миқдорларда ундирилади:

мулкый характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан ундирилаётган сумманинг 1 фоизи, юридик шахсдан 2 фоизи миқдорида;

мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, юридик шахсдан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида.

4. Ижро йиғимини ундириш учун суд ижрочиси томонидан чиқарилган қарор асос бўлади ва у Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг (кейинги ўринларда матнда Қонун деб юритилади) 7-моддасига мувофиқ ижро ҳужжати ҳисобланади.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

Ижро йиғимини ундириш Қонуннинг 82-моддасига мувофиқ қарздорга солинадиган жаримани тўлашдан озод этмайди.

5. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорни мажбурий равишда ижро этиш умумий белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон қарори билан тасдиқланган Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом ва мазкур Йўриқномада белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

## **II. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорни чиқариш ва ижро этиш тартиби**

6. Суд ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаришда қарздорга ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун 5 кундан ортиқ бўлмаган муддат белгилаб, агар ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда ижро ҳужжатидаги талаблар бажарилмаган тақдирда, қарздордан ундирилаётган сумманинг ёки мол-мулк қийматининг 1 фоизи (жисмоний шахсдан) ёхуд 2 фоизи (юримдик шахсдан) миқдорида, агар мулкий характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари ижро этилмаган тақдирда эса, жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари, юримдик шахсдан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида ижро йиғими ундирилиши тўғрисида қарздорга мажбурий равишда тушунтирилиши шарт.

Ихтиёрий равишда ижро этиш учун муддат белгиланганда, ушбу муддатнинг ўтиши ижро иши юритуви қўзғатилган кундан кейинги кундан бошланишини назарда тутиш лозим.

Суд ижрочиси ижро ҳужжати талабларини ихтиёрий равишда ижро этиш учун муддат белгилашда ижро ҳужжати талаблари моҳиятини ҳисобга олиши ва қонунда назарда тутилган доирада етарли муддат белгилаши лозим.

7. Суд ижрочиси томонидан ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда ижро ҳужжатида белгиланган талаблар қарздор томонидан бажарилмаслиги, қарздорга нисбатан мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Айни пайтда суд ижрочиси қарздордан ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор чиқаради.

Мазкур Йўриқноманинг 13-банди олтинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор чиқарилмайди.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор, қарздорнинг харажатлар сметасини рўйхатга олган молия органининг тегишлича расмийлаштирилган ва қарздорни бюджет ташкилоти деб топилишини тасдиқловчи хати қарздор — юримдик шахс томонидан қарор чиқарилгунига қадар суд ижрочисига тақдим этилган тақдирда ҳам чиқарилмайди.

8. Ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор ихтиёрий равишда ижро этиш муддати тугагандан кейинги кундан кечиктирмасдан суд ижрочиси томонидан мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда чиқарилади.

9. Суд ижрочисининг ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарори катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланиши лозим. Суд департаменти ёки унинг ҳудудий бошқармасининг суд ижрочиси мақомига эга инспекторлари томонидан чиқарилган қарорлар, тегишлича Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси бошлиғи ёки ҳудудий бошқармаларнинг Суд қарорларини ижро этиш бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланади.

10. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси уни чиқарган

қуннинг эртасидан кечиктирмасдан қарздорга шахсан тақдим этилади ёки топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан почта алоқаси орқали юборилади.

11. Ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритуви алоҳида ижро иш юритуви қўзғатилмасдан амалга оширилади.

Ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритуви ижро йиғими қўллашга асос бўлган ижро ҳужжати (кейинги ўринларда матнда асосий ижро ҳужжати деб юритилади) билан биргаликда юритилади. Бунда ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорга асосий ижро ҳужжатининг рўйхат рақами берилади.

12. Ижро ҳужжатлари бўйича мажбурий ижро этиш чораларини амалга оширишда ундирув мол-мулк ва пул маблағларига асосий ижро ҳужжати бўйича қарзни, ижро йиғими ва ижро ҳаражатларини қоплаш учун етарли бўлган миқдор ва ҳажмда қаратилади.

Ижро йиғими Қонуннинг 52 ва 69-моддаларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган пул суммалари ва мол-мулкдан ундирилмайди.

13. Ижро йиғими:

мулкый характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича — қарздордан ундирилган пул суммасига мутаносиб равишда;

мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича — мажбурий ижро этиш бўйича чоралар қўллашга киришилиши билан ундирилади.

Ижро йиғими қуйидаги ундирувларни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича ундирилмайди:

— бюджет ташкилотларидан, шу жумладан давлатдан пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ундириш. Бунда, ташкилотнинг бюджет ташкилоти деб топилишини тасдиқловчи ҳужжат қарздор томонидан суд ижрочисига тақдим қилинадиган мазкур ташкилотнинг ҳаражатлар сметасини рўйхатга олган тегишли молия органининг хати ҳисобланади.

+

Даврий тўловларни (алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлиги, боқувчининг ўлими натижасида қўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ва бошқа ишлар бўйича) ундириш.

14. Солидар тартибда бир неча қарздордан ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор ҳар бир қарздорга нисбатан чиқарилади. Ушбу ҳолатларда қарорларни расмийлаштириш, ижро йиғимини ундириш ва ундирилган суммалар ҳисобини юритиш солидар қарздорлар бўйича ижро ҳужжатларини ижро этиш тартибида амалга оширилади. Бунда, барча қарздорлардан ундирилган ижро йиғимининг умумий суммаси асосий ижро ҳужжати бўйича жами ундирув суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган йиғим суммасидан ошиб кетмаслиги лозим.

15. Бир қарздорга нисбатан бир неча ижро ҳужжатини ижро этишда, ижро йиғими ҳар бир ижро ҳужжати бўйича алоҳида ундирилади.

Бир нечта талаблар (ижро ҳужжатлари) бўйича қарздордан ундириладиган ижро йиғимлари Қонуннинг 80-моддасида белгиланган тартибда тегишли талабнинг қаноатлантириш навбатига кўра ундирилади. Бунда, мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича қарздордан ундириладиган ижро йиғимлари, шунингдек мулкый характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича қонунда белгиланган муддатда реализация қилинмаган мол-мулкни ундирувчига топшириш ҳолатлари биринчи навбатда қаноатлантириладиган талабларга тенглаштирилади. Мазкур хатбоши билан белгиланган қоидалар қарздорнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатларини белгилаш вақтида ҳам татбиқ этилади.

Мазкур қондани қўллаш мисоллари ушбу Йўриқноманинг 2-илоvasида келтирилган.

16. Ижро иши юритуви қарздорнинг сотилмаган мол-мулкни ундирувчига берилиши муносабати билан тамомланган тақдирда, ижро йиғими берилган мол-мулк қийматидан келиб чиққан ҳолда тегишли миқдорларда ундирилади. Бунда, ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорнинг ижроси умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ижро иши юритуви қарздорни сотилмаган мол-мулкни қабул қилишни ундирувчи рад этиши муносабати билан тамомланган тақдирда, ижро йиғими суд ижрочиси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага мутаносиб равишда ундирилади, ижро йиғимининг сотилмаган мол-мулкка тўғри келадиган қолган қисми бўйича иш юритуви суд ижрочисининг тегишли қарори билан тугатилади.

17. Асосий ижро ҳужжати Қонуннинг 62-моддасига мувофиқ, тугатиш комиссияси (тугатувчи)га юборилган тақдирда, ижро йиғими суд ижрочиси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага (мол-мулк қийматига) мутаносиб равишда ундирилади. Ижро йиғимининг қолган қисми бўйича иш юритуви суд ижрочисининг тегишли қарори билан тамомланади.

18. Қарздор ижро иши юритуvidан тараф сифатида чиқиб кетган тақдирда (қарздор шахснинг вафот этиши, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талаблардан воз кечилиши, қарзни бошқа шахсга ўтказилиши ва шу кабилар) суд ижрочиси Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, ўзининг қарори билан қарздорни унинг ҳуқуқий вориси билан қонунда белгиланган тартибда алмаштириши шарт. Мазкур қарорда йиғимни тўлаш мажбурияти ушбу ҳуқуқий ворисга ўтиши ҳақида ҳам кўрсатилади.

19. Асосий ижро ҳужжати Суд департаментининг бошқа бўлинмасига юборилган тақдирда, ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор ҳам Қонуннинг 25-моддасида белгиланган тартибда юборилиши лозим.

20. Асосий ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритуви Қонуннинг 37-моддаси 1 — 5 ва 7-бандларига асосан тугатилган тақдирда, ижро йиғими суд ижрочиси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага (мол-мулк қийматига) мутаносиб равишда ундирилади, ижро йиғимининг қолган қисми бўйича иш юритуви суд ижрочисининг тегишли қарори билан тамомланади.

21. Асосий ижро ҳужжати Қонуннинг 40-моддаси 1, 3 — 6-бандларига асосан ундирувчига қайтарилган тақдирда, ижро йиғими суд ижрочиси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага (мол-мулк қийматига) мутаносиб равишда ундирилади, ижро йиғимининг қолган қисми бўйича иш юритуви суд ижрочисининг тегишли қарори билан тамомланади.

22. Ундирув қарздорнинг иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган тўловларига қаратилган тақдирда, суд ижрочиси Қонуннинг 64-моддасида белгиланган тартибда асосий ижро ҳужжати билан бирга ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорни ҳам тегишли ташкилотга юборади.

23. Асосий ижро ҳужжати бўйича иш юритуви ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган томонидан тўхтатиб турилган тақдирда, ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритуви ҳам асосий ижро ҳужжати бўйича иш юритуви тиклангунга қадар тўхтатиб турилади. Ушбу ҳолатда ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритувини тўхтатиш ҳақида алоҳида қарор қабул қилиш талаб қилинмайди.

Суд ижрочиси томонидан асосий ижро ҳужжати бўйича ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинганда, мазкур қарорда ижро йиғи-

мини ундириш бўйича ижро ҳаракатларини ҳам кейинга қолдириш ҳақида кўрсатиб ўтилади.

### III. Ижро йиғимини қайтариш тартиби

24. Ижро йиғимини қайтариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

қарздорнинг аризасига асосан, асос сифатида ижро ҳужжати берилган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатининг ёхуд қонун бўйича ижро ҳужжати ҳисобланадиган бошқа ҳужжатнинг бекор қилиниши;

қарздор ёки ундирувчининг аризасига асосан, асос сифатида ижро ҳужжати берилган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатларининг ўзгартирилиши, агар ўзгартириш натижасида тўланган ижро йиғими миқдорини қайтадан кўриб чиқиш лозим бўлса;

қарздор ёки ижро йиғими ундирилган бошқа шахснинг аризасига ёхуд суд ижрочисининг ташаббусига асосан, ижро йиғими миқдорини нотўғри ёки ортиқча ўтказилганлиги;

суд қарорига асосан қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ижро йиғимини қайтариш ҳақидаги ариза ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар юзга келган кундан бошлаб уч йилдан кечиктирмасдан берилади.

25. Ундирилган ижро йиғими миқдорини қайтариш учун ижро йиғимини тўлаган шахс мажбурий ижро ҳаракати ким томонидан амалга оширилганидан келиб чиқиб, Суд департаментининг марказий аппаратида ёки тегишли ҳудудий бошқармага ариза билан мурожаат қилади. Бунда, ижро йиғимини ундириш бўйича ижро ҳаракатлари турли ҳудудларда амалга оширилган бўлса, ариза аризачининг хоҳишига кўра ижро йиғимини ундирган Суд департаментининг исталган бўлимига тақдим этилиши мумкин.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси — ижро йиғими мазкур Йўриқнома 24-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича қайтарилганда;

ижро йиғими миқдори нотўғри ёки ортиқча ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисобкитоб ҳужжати ёки бошқа ҳужжат — ижро йиғими мазкур Йўриқнома 24-бандининг тўртинчи хатбошида назарда тутилган асос бўйича қайтарилганда;

суднинг қонуний кучга кирган қарорининг тасдиқланган нусхаси — ижро йиғими мазкур Йўриқноманинг 24-банди бешинчи хатбошида назарда тутилган асослар бўйича қайтарилганда.

26. Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги ариза Суд департаментининг тегишли ҳудудий бошқармаси ёки марказий аппарати томонидан кўриб чиқилади ва ариза берилган кундан эътиборан беш кунлик муддат ичида ижро йиғимини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қабул қилинган қарор ҳақида ариза берувчини ёзма равишда хабардор қилади.

Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан бошлаб узоғи билан икки кун ичида қайтариш учун Суд ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг Ижро этувчи дирекциясига юборилади. Ижро йиғимини қайтариш Ижро этувчи дирекция томонидан қарор олинган кундан бошлаб беш банк куни давомида амалга оширилади.

27. Ижро йиғимини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор ус-тидан белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш мумкин.

#### IV. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор ҳисобини юритиш

28. Суд департаментида, ҳудудий бошқармаларда ва суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимларида мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларни ҳисобга олиш китоби юритилади.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларни ҳисобга олиш китоби рақамланиб, тикилади ва тегишлича Суд департаменти ёки унинг ҳудудий бошқармасининг асосий муҳри билан тасдиқланади.

29. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор чиқарилган кунда рўйхатга олинади ва тегишли асосий ижро ҳужжатининг мажбурий ижросини амалга ошираётган суд ижрочисига имзо қўйдирган ҳолда берилади.

30. Ижро йиғими суммалари тегишли банк муассасасида очилган махсус транзит ҳисоб рақамига ўтказилади.

Суд департаменти, ҳудудий бошқармалар ва суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари ҳар ойда тегишли банк муассасалари билан ижро йиғими суммаларининг тушумини белгиланган шаклда солиштириб борадилар.

31. Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари ҳар чоракда камида бир марта суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан мазкур Йўриқнома талабларига риоя қилинишини, шу жумладан ижро йиғими суммаларининг тўғри ва ўз вақтида ундирилиши ва ўтказилишини текшириб борадилар.

#### V. Яқуний қоидалар

32. Мазкур Йўриқноманинг бажарилишини назорат қилиш Суд департаменти томонидан амалга оширилади.

Ижро йиғимининг ҳисобини юритиш ва ундиришнинг белгиланган тартиби устидан доимий назоратни амалга ошириш Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси бошлиғига юклатилади.

33. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилиши қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд  
ижрочилари қарорларини ҳисобини юри-  
тиш ва уларнинг ундирилишини назорат  
қилиш тартиби тўғрисида йўриқномага  
1-ИЛОВА

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

(мансаби)

(мансабдор шахснинг Ф.И.Ш.)

(мансабдор шахснинг имзоси)

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й.

**ҚАРОР  
(Ижро йиғимини ундириш тўғрисида)**

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й. \_\_\_\_\_-сон \_\_\_\_\_ туман (шаҳар)

\_\_\_\_\_ суд ижроچиси  
(суд ижрочилари бўлимининг номи)

\_\_\_\_\_ томонидан 200\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон  
(суд ижрочисининг Ф.И.Ш.)

ижро ҳужжати бўйича 200\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_-сонли ижро иш  
юритуви қўзғатилган.

Ижро иши юритувини қўзғатиш тўғрисидаги қарорда қарздорга ижро ҳужжатида  
кўрсатилган талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун 200\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_га  
қадар муддат берилган.

Бироқ, тегишли огоҳлантиришга қарамасдан қарздор 200\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_  
ҳолатига ижро ҳужжатида кўрсатилган талабларини бажармаган.

Ихтиёрий равишда ижро этилиши лозим бўлган ижро ҳужжати Ўзбекистон  
Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПК-722-сон қарорига асосан,  
\_\_\_\_\_ характерга эга.

(мулкӣ ёки номулкӣ)

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар  
ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга асосланиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:**

1. Қарздор \_\_\_\_\_  
(қарздор-юридик шахснинг номи ва манзили, қарздор — жисмоний шахснинг

\_\_\_\_\_ дан  
Ф.И.Ш., туғилган санаси ва жойи, иш жойи)

(мулкӣ ундирув бўйича ундирилаётган сумманинг (мол-мулк қийматининг) фоизи кўринишида

\_\_\_\_\_ миқдорда  
номулкӣ талабда эса аниқ миқдордаги ижро йиғимининг суммаси кўрсатилади)

ижро йиғими ундирилсин ва \_\_\_\_\_-сонли банк ҳисоб  
рақамига ўтказилсин.

Тегисшли тўлов ҳужжатининг нусхаси суд ижрочисига тақдим этилсин.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

3. Мазкур қарор \_\_\_\_\_ ижро иш юритуви

(ижро иш юритуви рақами ва санаси)

доирасида ижрога қабул қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг нусхаси қарздор \_\_\_\_\_ юборилсин.

5. Мазкур қарор устидан 10 кунлик муддат ичида судга шикоят берилиши мумкин.

Суд ижروحиси:

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.)

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд  
ижрочилари қарорларини ҳисобини юри-  
тиш ва уларнинг ундирилишини назорат  
қилиш тартиби тўғрисида йўриқномага  
2-ИЛОВА

### **Бир қарздорга нисбатан бир нечта ижро ҳужжатларини ижро этишда ижро йиғимини ундириш бўйича мисоллар**

**1-Мисол.** Суд ижروحисининг иш юритувида қарздор — юридик шахсдан турли навбатдаги қарздорликни ундириш тўғрисида 3 та ижро ҳужжати келиб тушган: солиқ бўйича 100 000 сўм боқиманда қарздорлик ундириш тўғрисида (биринчи навбатдаги талаб); хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартномавий муносабатлардан юзага келган 60 000 сўм қарздорликни ундириш тўғрисида (олтинчи навбатдаги талаб); гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан 50 000 сўм банк кредитини ундириш тўғрисида (тўртинчи навбатдаги талаб). Бироқ, қарздор томонидан кўрсатилган ижро ҳужжатлари бўйича ижро ҳужжати талаблари ихтиёрий равишда бажарилмаган. Шу сабабли, суд ижروحиси кўрсатилган ҳар бир ижро ҳужжати бўйича ундирилаётган сумманинг 2 фоизи миқдорида ижро йиғими ундириш тўғрисида алоҳида қарорлар чиқарган.

Мажбурий ижро этиш чораларини амалга ошириш жараёнида қарздорнинг мол-мулкни реализация қилишдан суд ижрочилари бўлимининг депозит ҳисоб рақамига фақатгина 150 000 сўм келиб тушди. Ушбу ҳолатда депозит ҳисоб рақамига келиб тушган суммадан биринчи навбатда солиқлар бўйича боқиманда қарздорлик ва у бўйича ижро йиғими (100 000 сўм (боқиманда) + 2000 (йиғим) = 102000 сўм) ундирилади. Айни пайтда, мазкур ижро ҳужжати бўйича иш юритуви тамомланади. Қолган 48 000 сўм ҳисобидан мутаносиб равишда кейинги навбатдаги талаб ва у бўйича тегишли йиғим (47 040 сўм (кредит бўйича қарздорлик) + 960 (йиғим) = 48 000 сўм) қаноатлантирилади.

**2-Мисол.** Суд ижروحисининг иш юритувида қарздор — юридик шахсдан бир хил навбатдаги қарздорликни ундириш тўғрисида 3 та ижро ҳужжати келиб тушган: солиқлар бўйича 190 000 сўм боқиманда қарздорликни ундириш тўғрисида (биринчи навбатдаги талаб); иш ҳақи бўйича 60 000 сўм қарздорликни ундириш тўғрисида (биринчи навбатдаги талаб); муаллифлик шартномаси бўйича 50 000 сўм мукофотни ундириш тўғрисида (биринчи навбатдаги талаб). Бироқ, қарздор кўрсатилган ижро ҳужжатлари бўйича ижро ҳужжати талабларини ихтиёрий равишда бажармаган. Шу сабабли, суд ижروحиси кўрса-

тилган ҳар бир ижро ҳужжати бўйича ундирилаётган сумманинг 2 фоизи миқдорида ижро йиғими ундириш тўғрисида алоҳида қарорлар чиқарган.

Мажбурий ижро этиш чораларини амалга ошириш жараёнида қарздорнинг мулкни реализация қилишдан суд ижрочилари бўлимининг депозит ҳисоб рақамига фақатгина 150 000 сўм келиб тушиди. Ушбу ҳолатда, дастлаб, барча талабларга тўғри келадиган суммалар мутаносиб равишда аниқлаб олинади (натижа = 95000/30000/25000). Сўнгга, бу суммалардан тегишли талаб ва у бўйича ижро йиғими мутаносиб равишда қуйидаги тартибда қаноатлантирилади:

- 1) 93 100 сўм (боқиманда) + 1 900 сўм (йиғим) = 95 000
- 2) 29 400 сўм (иш ҳақи) + 600 сўм (йиғим) = 30 000
- 3) 24 500 сўм (мукофот) + 500 сўм (йиғим) = 25 000

Депозит ҳисоб рақамга келиб тушган маблағлардан 147 000 сўми ижро ҳужжатлари талабларини қаноатлантиришига, қолган 3000 сўм ижро йиғимини ундиришига йўналтирилади.

**3-Мисол.** Суд ижрочисининг иш юритувига қарздор — юридик шахсга нисбатан 3 та ижро ҳужжати келиб тушган. Ушбу ижро ҳужжатларидан бири мулкӣ характерга эга бўлмаган (бошқа шахсга бинони топишириш), иккитаси мулкӣ характерга эга бўлган (солиқлар бўйича 600 000 сўм боқиманда қарздорликни ундириш ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатлардан юзага келган 200 000 сўм қарздорликни ундириш тўғрисида) ҳужжатлардир. Бироқ, қарздор кўрсатилган ижро ҳужжатлари бўйича ижро ҳужжати талабларини ихтиёрий равишда бажармаган. Шу сабабли, суд ижрочиси томонидан мулкӣ характерга эга бўлмаган ижро ҳужжати бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида (183 600) ижро йиғими ундириш тўғрисида, мулкӣ характерга эга бўлган қолган ижро ҳужжатлари бўйича ундириладиган маблағнинг 2 фоизи миқдорида ижро йиғими ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Мажбурий ижро этиш чораларини амалга ошириш жараёнида қарздорнинг мулкни реализация қилишдан суд ижрочилари бўлимининг депозит ҳисоб рақамига фақатгина 800 000 сўм келиб тушиди. Ушбу ҳолатда депозит ҳисоб рақамига келиб тушган суммадан дастлаб биринчи навбатдаги талаб қаноатлантирилади. Мулкӣ характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича қарздор томонидан тўланадиган ижро йиғими биринчи навбатдаги талабга тенглаштирилганлиги сабабли, у мулкӣ характерга эга бўлган ижро ҳужжати бўйича бошқа биринчи навбатдаги талаблар билан биргаликда мутаносиб равишда ундирилади. Шунга кўра, солиқлар бўйича боқиманда қарздорликни ундириш ҳақидаги талаб, у бўйича ижро йиғими, шунингдек, мулкӣ характерга эга бўлмаган ижро ҳужжати бўйича тўланадиган ижро йиғими биринчи навбатдаги талаб ҳисобланиб, бу талаблар аввал қаноатлантирилади, яъни:

183 600 сўм (мулкӣ характерга эга бўлмаган ҳужжатлар бўйича ижро йиғими) + 600 000 сўм (боқиманда) + 12000 сўм (боқиманда ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжат бўйича ундирилган йиғим) = 783 600 сўм.

Қолган 16 400 сўм мутаносиб равишда кейинги навбатдаги талабларни (200 000 сўм) қаноатлантиришига ва улар бўйича тегишли ижро йиғимини (4 000 сўм) ундиришига йўналтирилади:

16078 сўм (хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартномавий муносабатлардан юзага келган қарз) + 322 сўм (у бўйича йиғим) = 16 400 сўм.

+

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд  
ижрочилари қарорларини ҳисобини юри-  
тиш ва уларнинг ундирилишини назорат  
қилиш тартиби тўғрисида йўриқномага  
3-ИЛОВА

### Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларни ҳисобга олиш китоби

| № | Асосий ижро<br>ҳужжатининг<br>рақами ва<br>санаси | Асосий ижро ҳужжати<br>бўйича қарздорнинг<br>номи (Ф.И.Ш.) | Асосий ижро ҳужжати<br>бўйича ундирувчининг<br>номи (Ф.И.Ш.) | Асосий ижро<br>ҳужжатининг<br>мазмун | Асосий ижро<br>ҳужжатининг<br>характери<br>(мулкӣ ёки<br>номулкӣ) | Мулкӣ характердаги<br>асосий ижро ҳужжати<br>бўйича ундирилиши<br>лозим бўлган сумма | Ижро йиғимини<br>ундириш<br>тўғрисидаги<br>қарор рақами ва<br>санаси |
|---|---------------------------------------------------|------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------|--------------------------------------|-------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------|
| 1 | 2                                                 | 3                                                          | 4                                                            | 5                                    | 6                                                                 | 7                                                                                    | 8                                                                    |

| Ундирилиши<br>лозим бўлган<br>ижро йиғими<br>суммаси | Қарор чиқарган суд<br>ижрочисининг Ф.И.Ш.,<br>қарорни иш юритувига<br>олганлиги тўғрисидаги<br>имзо | Амалда<br>ундирилган<br>ижро йиғими<br>суммаси | Ижро йиғими ундириш<br>тўғрисидаги қарорни бошқа<br>бўлинмага юборилганлиги<br>ҳақида маълумот, тегишли<br>бўлинмани ва юбориш<br>санасини, йиғим бўйича<br>қолдиқни кўрсатган ҳолда | Ижро йиғими ундириш<br>тўғрисидаги қарорни<br>тугатиш комиссиясига<br>юборилганлиги ҳақида<br>маълумот, юбориш<br>санаси ва йиғим бўйича<br>қолдиқни кўрсатган<br>ҳолда | Ижро йиғимини ундириш<br>бўйича иш юритувни<br>тамомлаш ҳақида<br>маълумот, Қонуннинг<br>тегишли моддасини<br>кўрсатган ҳолда | Изоҳ<br>(ижро йиғимини<br>ундириш тўғрисидаги<br>қарорнинг ижросига<br>тааллуқли бошқа<br>маълумотлар) |
|------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 9                                                    | 10                                                                                                  | 11                                             | 12                                                                                                                                                                                   | 13                                                                                                                                                                      | 14                                                                                                                            | 15                                                                                                     |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**489** **Ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
26 ноябрда 1137-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 6 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (янги таҳрири), «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ҳамда Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 24 апрелдаги 215-В ва 02/19-10-сонли қарори билан тасдиқланган «Ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом»га (2002 йил 14 май, рўйхат рақами 1137 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,  
2007 йил 10 ноябрь,  
215-В-2-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2007 йил 10 ноябрь,  
01-02/19-37-сон

**С. НОСИРОВ**

Марказий банк Бошқаруви ва  
Давлат божхона қўмитасининг  
2007 йил 10 ноябрдаги  
215-В-2, 01-02/19-37-сонли қарорига  
ИЛОВА

### **Ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш**

1. 3-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Экспорт қилинадиган товарларнинг божхонада расмийлаштирилишига фақат тўлдирилган ҳисоб-китоблар маълумотномаси мавжуд бўлган ҳолдагина йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган омборлардан FOB, EX Warehouse шартларида марказлаштирилган ҳолда юклаб жўнатиш, миллий валюта — сўмда тўлов амалга ошириш шарти билан биржа ва ярмарка савдоларида тузилган контрактлар бўйича ҳамда чет эл валютасида тўлов амалга ошириш шарти билан Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасида тузилган экспорт шартномалари бўйича юклаб жўнатиш бундан мустасно».

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

-

## **490 Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юри- тиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
27 ноябрда 1648-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 1 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Лизинг тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-725-сонли Қарори асосида Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юриштириш тартиби тўғрисида низомга (2006 йил 27 декабрь, рўйхат рақами 1648 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 51-52-сон, 523-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

2. Ушбу қарор 2008 йилнинг 1 январидан кучга киритилсин.

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 17 ноябрь,  
31/1-сон

Марказий банк Бошқарувининг  
2007 йил 17 ноябрдаги 31/1-сон  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга  
ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби  
тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартириш**

16-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фермер хўжаликларига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм ви-  
лоятидаги машина-трактор паркларига қишлоқ хўжалиги машиналарини лизингга  
бериш борасидаги лизинг шартномалари 10 йилгача бўлган муддатга тузилади».

—

+

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҲУКУМАТ  
АЛОҚАСИ ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**491** **Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқаришнинг умумий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
27 ноябрда 1742-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 7 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-589-сон қарорининг 4-бандига асосан **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинган Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқаришнинг умумий қоидалари тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.
3. Ушбу қарор бажарилишининг назоратини ўз зиммамизда қолдирамиз.

**Ўзбекистон алоқа ва  
ахборотлаштириш агентлиги  
Бош директори**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 октябрь,  
02-8/3189-сон

**Мудофаа вазири**

**Р. МИРЗАЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 октябрь,  
15-сон

**Миллий хавфсизлик  
хизмати раиси****Р. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 октябрь,  
132-сон

**Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат  
алоқаси хизмати бошлиғи****Т. АСЛАНОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 октябрь,  
8-сон

**Фавқулодда вазиятлар  
вазир****К. БЕРДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 октябрь,  
206-сон

**Ички ишлар вазир****Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 октябрь,  
17-сон

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш  
агентлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий  
хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамаси-  
нинг Ҳукумат алоқа хизмати, Фавқулодда  
вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар  
вазирлигининг 2007 йил 31 октябрдаги  
02-8/3189, 15, 132, 8, 206, 17-сон  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар  
тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда  
бошқаришнинг умумий  
ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-589-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқариш тизими ишлашининг таъминланиши ҳамда асосий қоидаларини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**махсус истеъмолчилар** — телекоммуникациялар ресурслари устувор тартибда тақдим этиладиган алоҳида тоифадаги телекоммуникациялар хизматларининг истеъмолчилари ҳисобланган Куролли кучлар Бирлашган штаби, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқа хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;

**телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқариш** — телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини махсус ваколатли орган томонидан фавқулодда ҳолатларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, махсус истеъмолчилар манфаатлари учун телекоммуникациялар тармоқларининг ишлашини таъминлаш ҳамда алоқаларни тиклаш мақсадида телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини бошқариш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси;

**телекоммуникациялар тармоғини бошқариш тизими** — телекоммуникациялар тармоқларини режалаштириш, техник хизмат кўрсатиш, эксплуатация қилиш, тезкор ва маъмурий бошқариш бўйича ахборот технологиялари мажмуаси асосида тармоқни бошқариш ҳамда кўрсатиладиган хизматлар бўйича функцияларни бажарадиган тизим.

2. Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқариш қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик деб юритилади) махсус истеъмолчилар, шунингдек телекоммуникациялар операторларининг телекоммуникация тармоқлари (алоқаси)ни бошқариш марказлари, тасарруфида идоравий телекоммуникациялар тармоқлари бўлган давлат ва хўжалик бошқарув органлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

3. Радиочастота спектридан фойдаланиш ва уни бошқариш тартиби қонунчилик билан белгиланади.

4. Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқларини марказлашган ҳолда бошқариш режимига ўтказиш тўғрисидаги қарор Агентлик томонидан қорхоналарнинг фуқаро муҳофазасини тайёр ҳолатга келтириш тўғрисида тегишли давлат ҳокимияти органларидан, белгиланган тартибда, олинган фармойиши асосида қабул қилинади.

5. Марказлашган ҳолда бошқаришнинг асосий вазифаси фавқулодда ҳолатларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, махсус истеъмолчиларни алоқа билан таъминлаш ҳисобланади.

6. Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқлари ресурсларини марказлашган ҳолда бошқариш Агентликнинг бевосита бўйсунувида бўлган Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқларини Республика бошқариш маркази (кейинги ўринларда — РБМ деб юритилади) томонидан махсус истеъмолчилар, телекоммуникациялар ва идоравий тармоқлар операторларининг бошқариш марказлари билан биргаликда амалга оширилади.

7. Марказлашган ҳолда бошқариш Ўзбекистон Телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизими (кейинги ўринларда — ЎзТТБТ деб юритилади) орқали амалга оширилади. Марказлашган ҳолда бошқаришда ЎзТТБТ қуйидагиларни таъминлайди:

телекоммуникациялар тармоқлари операторлари томонидан фавқулодда ҳолат-

ларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш билан боғлиқ давлат бошқаруви, мудо-  
фаа, давлат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасида кечиктириб  
бўлмайдиган тадбирларни ўтказишда кўрсатиладиган телекоммуникациялар хизмат-  
лари бўйича уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

телекоммуникацияларнинг исталган тармоқлари ва воситаларидан устувор  
фойдаланиш, ёхуд улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тўғрисидаги  
қарорлар бажарилишини ташкил қилиш;

зарур авария-тиклаш ишлари бажарилишини ташкил қилиш;

фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситалари шикаст-  
ланган ҳолатларда уларнинг ишлаш қобилиятини тиклаш мобайнида мониторинг;

махсус истеъмолчилар учун телекоммуникациялар операторлари томонидан  
алоқанинг режалаштирилган қўшимча каналлари ва воситалари ажратилишини  
назорат қилиш ва улар бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш.

8. РБМ ва Алоқа соҳасида минтақавий ҳамдўстлик (кейинги ўринларда — АМХ  
деб юритилади) аъзолари билан уларнинг тармоқларидан фойдаланиш зарурати юзага  
келганда, ўзаро ҳамкорлик қилади. Ўзаро ҳамкорлик АМХ Алоқа маъмуриятлари  
ўртасида амалда бўлган битимлар асосида амалга оширилади.

Бошқа Алоқа маъмуриятлари ва операторлар билан ўзаро ҳамкорлик қонунчи-  
ликда белгиланган тартибда Агентлик билан икки томонлама тузилган битимлар  
асосида амалга оширилган бўлиши мумкин.

## **II. Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқариш тартиби**

9. Агентликнинг ЎЗТТБТни марказлашган бошқариш режимига ўтказиш тўғри-  
сидаги фармойиши РБМ, телекоммуникациялар операторлари ва идоравий тармоқ-  
лар эгаларига, шу жумладан фавқулодда ҳолатлар минтақасида жойлашганларга  
тезкорлик билан етказилади ҳамда бажарилиши учун мажбурий ҳисобланади.

10. Марказлашган ҳолда бошқариш режими фавқулодда ҳолатлар ҳаракатла-  
рининг ҳудудига боғлиқ равишда ЎЗТТБТнинг айрим қисмларида жорий этилиши  
мумкин.

11. РБМга фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқларини бошқа-  
риш, тармоқ қайта қурилиши ва алоқалар тикланишини тезкор бошқариш бўйича  
чора-тадбирларни қабул қилиш бўйича алоҳида ваколатлар берилади.

12. РБМ қуйидагиларни амалга оширади:

фавқулодда ҳолатларда операторлар томонидан махсус истеъмолчиларни алоқа  
билан таъминлаш учун зарур ресурсларни тақдим этиш имкониятларини баҳолаш  
мақсадида, операторлар телекоммуникациялар тармоқларининг жорий ҳолати тўғри-  
сидаги ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш;

махсус истеъмолчиларнинг телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш  
марказларидан, уларга юклатилган вазифаларни бажариш учун телекоммуникация-  
лар линиялари, алоқа каналлари, телекоммуникациялар воситаларини, жумладан  
охирги (терминал) ускунани фойдаланишга тақдим этиш учун тегишли сўровларни  
олиш;

махсус истеъмолчилар учун қўшимча алоқаларни ташкил қилиш учун фармо-  
йишларни бериш, ушбу фармойишлар бажарилишининг назорати ва мувофиқлаш-  
тирилишини таъминлаш;

операторлар томонидан фавқулодда ҳолатлар минтақасида сақланган телеком-

муникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, ёхуд улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тўғрисидаги фармойишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

фавқулодда ҳолатлар минтақаларидаги телекоммуникациялар тармоқларининг ҳолати, авария-тиклаш ишлари ўтказилишининг бориши ва уларни ўтказиш учун қўшимча ресурсларни жалб қилиш зарурлиги тўғрисидаги ахборотни Агентликка етказиш.

13. Телекоммуникациялар ва идоравий тармоқлари операторларининг бошқариш марказлари қуйидагиларни амалга оширадilar:

фавқулодда ҳолатлар минтақасида сақланган телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш ёхуд улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тўғрисидаги Агентлик фармойишларини бажариш;

барча бўлинмаларни сафарбарлик режалари ва фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш режаларига асосан иш режимида ўтказиш;

назорат қилинадиган мезонлар бўйича тармоқнинг жорий ҳолати тўғрисидаги ахборотни тақдим этиш;

РБМнинг фармойиши бўйича телекоммуникациялар линиялари, алоқа каналлари, телекоммуникациялар воситалари ва охири (терминал) ускунани фойдаланишга тақдим этиш;

фавқулодда ҳолатлар минтақаларидаги телекоммуникациялар тармоқларида авария вазиятларини ўз кучи билан ёки Агентликнинг Махсус авария-тиклаш бошқармасини жалб қилган ҳолда тугатиш.

14. Операторларнинг телекоммуникациялар тармоқларида алоқаларни ташкил этиш ва авария-тиклаш ишларини бошқариш масалалари бўйича ахборотнинг тезкор алмашинуви учун РБМ бошқариш марказлари, махсус истеъмолчилар, телекоммуникациялар ва идоравий тармоқлар операторлари ўртасидаги хизмат-технологик алоқа тармоғидан фойдаланиш керак.

15. Хизмат-технологик алоқа тармоғи ахборот хавфсизлиги бўйича белгиланган чора-тадбирларни таъминлаши керак.

### III. Яқуний қоидалар

16. Фавқулодда ҳолатларда Агентлик, махсус истеъмолчилар, РБМ ва операторлар телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш марказлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик телекоммуникациялар тармоқларини тезкор-техник бошқаришнинг олдиндан ишлаб чиқилган ва келишилган алгоритмлари билан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҲУКУМАТ  
АЛОҚАСИ ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**492 Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тар-  
моқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш,  
улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
27 ноябрда 1743-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 7 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-589-сон Қарорининг 4-бандига асосан **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинган фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

3. Ушбу қарор бажарилишининг назоратини ўз зиммамизда қолдирамиз.

**Ўзбекистон алоқа ва  
ахборотлаштириш агентлиги  
Бош директори**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 октябрь,  
02-8/3191-сон

**Мудофаа вазири**

**Р. МИРЗАЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 октябрь,  
16-сон

**Миллий хавфсизлик  
хизмати раиси****Р. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 октябрь,  
133-сон

**Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат  
алоқаси хизмати бошлиғи****Т. АСЛАНОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 октябрь,,  
9-сон

**Фавқулодда вазиятлар  
вазир****К. БЕРДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 октябрь,  
207-сон

**Ички ишлар вазири****Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 31 октябрь,  
18-сон

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш  
агентлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий  
хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамаси-  
нинг Ҳукумат алоқа хизмати, Фавқулодда  
вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар  
вазирлигининг 2007 йил 31 октябрдаги  
02-8/3191, 16, 133, 9, 207, 18-сон  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва  
воситаларидан устувор фойдаланиш, улардан фойдаланишни  
тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш тизимини тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-589-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**фавқулодда ҳолатлар** — ҳарбий ҳаракатлар, зилзилалар, сув тошқинлари, ёнғинлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда вазиятлар;

**телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш** — бошқа фойдаланувчиларга нисбатан телекоммуникацияларнинг исталган тармоқлари ва воситаларидан фойдаланиш учун биринчи навбатдаги ҳуқуқ;

**телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш** — фавқулодда ҳолатлар бўйича ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш вақтида бошқа фойдаланувчилар томонидан телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш;

**телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан фойдаланишни чеклаш** — фавқулодда ҳолатлар бўйича ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш вақтида бошқа фойдаланувчилар томонидан телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан фойдаланишни қисқартириш (телекоммуникациялар воситалари ишларининг режимлари, кўрсатилаётган телекоммуникациялар хизматларининг ҳажмларини ўзгартириш);

2. Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган телекоммуникацияларнинг исталган тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, уларнинг ишлашини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

3. Телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш Қурулли кучлар Бирлашган штаби, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқа хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати (кейинги ўринларда — махсус истеъмолчи деб юритилади) фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш имкониятини таъминлаш, фавқулодда ҳолатлар юзага келганда давлат бошқаруви, миллий хавфсизлик, мудофаа ва ҳуқуқ-тартиботни қўриқлаш бўйича вазифаларни таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

4. Фавқулодда ҳолатлар вақтида вазиятга боғлиқ ҳолда махсус истеъмолчилар бўлинмаларини алоқа билан таъминлаш навбати фақат биринчи ва иккинчи навбатнинг алоқалари бўйича амалга оширилади, бунда алоқа каналлари ва воситаларини ажратиш тасдиқланган навбатчилик рўйхати (кўчирма)да белгиланганлигига мувофиқ амалга оширилади;

5. Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ва чеклаш телекоммуникацияларнинг исталган тармоқлари ва воситаларига нисбатан қўлланиши мумкин.

6. Фавқулодда ҳолатлар юзага келганда, телекоммуникациялар операторлари, идоравий телекоммуникациялар тармоқлари эгалари техник имкониятлар мавжуд бўлганда, махсус истеъмолчиларга алоқа каналлари, телекоммуникациялар линиялари, телекоммуникациялар воситалари, шу жумладан охири (терминал) ускунани қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатда фойдаланишга тақдим этадилар.

7. Телекоммуникациялар операторлари, идоравий телекоммуникациялар тармоқларининг эгалари фавқулодда ҳолатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ўтказиш, давлат бошқаруви, ҳуқуқ-

тартиботни қўриқлаш, давлатнинг муҳофаа қобилияти ва хавфсизлигига тааллуқли барча хабарларга мутлақ устуворликни тақдим этади.

**II. Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби**

8. Фавқулодда ҳолатлар юзага келганда, телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолатларда қабул қилинади:

махсус истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун бўш телекоммуникация воситалари мавжуд бўлмаганда;

телекоммуникациялар тармоқларида ўта юкланишнинг олдини олиш мақсадида трафикни чеклаш зарур бўлганда;

фавқулодда ҳолатлар минтақаларида ишга жалб қилинадиган радиоэлектрон воситалар ишида электромагнит мослашувни таъминлаш зарур бўлганда.

9. Телекоммуникацияларнинг исталган тармоқлари ва воситаларидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик деб юритилади) томонидан тегишли махсус истеъмолчининг асосланган таклифларига биноан махсус истеъмолчилар билан ўзаро ҳамкорликда қабул қилинади. Ушбу таклифлар Агентликка телекоммуникацияларнинг исталган тармоқлари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда етказилади ҳамда зудлик билан қўриб чиқилади.

10. Таклифларда қуйидагилар кўрсатилади:

телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларининг фавқулодда ҳолатлар минтақаларида алоқа хизматларига эҳтиёжларини қондириш учун зарурлиги ва етарлилигининг асослантириш;

алоқа каналлари, телекоммуникациялар линиялари ва воситалари, жумладан охириги (терминал) ускуна, радиочастоталарнинг қўшимча диапазонлари (полосалари)га нисбатан эҳтиёж;

телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ва чеклаш ёки уларни тақдим этиш вақти ҳамда муддатлари.

11. Телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларининг фавқулодда ҳолатлар зонасида алоқа хизматларига эҳтиёжларини қондириш учун зарурлиги ва етарлилигини асослаган ҳолда, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ва чеклаш тўғрисидаги таклифлар бир кун давомида ҳужжатларни узатишнинг исталган усуллари билан, шу жумладан электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, ҳужжатлар билан махсус истеъмолчининг раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

12. Фавқулодда ҳолатлар минтақасида телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларининг ҳолатини таҳлил қилиш асосида Агентлик телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тўғрисидаги қарорни қабул қилади. Қабул қилинган қарор фармойиш билан расмийлаштирилади ва телекоммуникациялар операторлари ва идоравий тармоқлар эгаларига, шу жумладан фавқулодда ҳолатлар зонасида жойлашганларга етказилади.

Ушбу фармойиш Агентлик раҳбари томонидан имзоланади ва телекоммуникацияларнинг исталган тармоқлари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, телекоммуникациялар операторлари ва идоравий тармоқлар эгаларига етказилади ҳамда зудлик билан бажарилади.

Агентлик, алоқани ташкил қилиш зарур бўлганда, фавқулодда ҳолатлар вақти-

да ҳудудда барча алоқа ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, уларнинг телекоммуникациялар тармоқларини бошқариш ва тиклаш бўйича ваколатлари учун жавобгарларни белгилайди ҳамда буни кўрсатилган фармойишда белгилайди.

13. Фавқулодда ҳолатлар вақтида телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тўғрисидаги фармойишда чеклашлар (тақиқлашлар)нинг амал қилиш муддатлари белгиланади. Зарур бўлганда телекоммуникацияларнинг исталган тармоқлари ва воситаларидан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш муддатини фармойишда кўрсатилгандан ортиқ муддатга узайтиришни Агентлик тегишли қарор билан қабул қилади ва уни ушбу Низомда белгиланган тартибда етказди.

### III. Яқуний қоидалар

14. Фавқулодда вазиятлар вақтида ушбу Низомнинг талаблари бажарилишини рад этиш, кечиктириш ёки бажарилишига қарши ҳаракат қилиш ҳолатларида юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

## 493 Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
29 ноябрда 1744-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 9 декабрдан кучга киради)*

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сонли «Аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг жавобгарлигини ошириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 155-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот» шакли 1-сонли иловага мувофиқ;

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот» шаклини тўлдириш бўйича қоидалар 2-сонли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кириди.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 30 октябрь,  
98-сон

Молия вазирининг  
2007 йил 30 октябрдаги  
98-сонли буйруғига  
1-ИЛОВА

**«Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот» шакли**  
**20\_\_ йил \_\_\_\_\_ учун**

|                                                    |  |
|----------------------------------------------------|--|
| <b>Аудиторлик ташкилотининг номи</b>               |  |
| <b>Почта манзили</b>                               |  |
| <b>Лицензия тури, рақами ва берилган санаси</b>    |  |
| <b>Устав капитали</b>                              |  |
| <b>Солиқ тўловчининг идентификация рақами</b>      |  |
| <b>Аудиторларнинг жамоат бирлашмасида аъзолиги</b> |  |
| <b>Телефон/факс,<br/>E:mail</b>                    |  |

**I. Аудиторлик ташкилоти раҳбари**

| <b>Кўрсаткичлар номи</b>                                          | <b>Сатр рақами</b> |  |
|-------------------------------------------------------------------|--------------------|--|
| Раҳбарнинг фамилияси, исми ва шарифи                              | 01                 |  |
| Раҳбарнинг лавозимга тайинланган санаси                           | 02                 |  |
| Паспорт маълумотлари ва яшаш жойи                                 | 03                 |  |
| Раҳбарга берилган аудитор малака сертификатининг рақами ва санаси | 04                 |  |
| Малака ошириш курсини ўтган жойи ва санаси                        | 05                 |  |
| Раҳбарнинг аттестациядан ўтганлиги                                | 06                 |  |

**II. Ташкилот ходимларининг сони:**

| <b>Кўрсаткичлар номи</b> | <b>Сатр рақами</b> | <b>Ҳисобот санасига</b> |
|--------------------------|--------------------|-------------------------|
| 1                        | 2                  | 3                       |
| Ходимлар сони — жами,    | 07                 |                         |
| улардан аудиторлар       | 08                 |                         |
| Шу жумладан:             |                    |                         |

| Кўрсаткичлар номи                                                    | Сатр рақами | Ҳисобот санасига |
|----------------------------------------------------------------------|-------------|------------------|
| 1                                                                    | 2           | 3                |
| а) штатдаги аудиторлар                                               | 09          |                  |
| б) фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлаётган аудиторлар | 10          |                  |

**Аудиторлар тўғрисида маълумот (штатдаги ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича жалб қилинганлар)**

| Аудиторнинг фамилияси, исми ва шарифи | Лавозимга тайинланган сана | Аудитор малака сертификатининг рақами ва санаси | Малака оширишдан ўтган санаси ва жойи |
|---------------------------------------|----------------------------|-------------------------------------------------|---------------------------------------|
| 1                                     | 2                          | 3                                               | 4                                     |

**III. Кўрсатилган хизматлар ҳажми**

| Кўрсаткичлар номи                             | Сатр рақами | Ҳисобот даврида                                                    |                   | Ўтган йилнинг тегишли даврида                                      |                   |
|-----------------------------------------------|-------------|--------------------------------------------------------------------|-------------------|--------------------------------------------------------------------|-------------------|
|                                               |             | аудиторлик хизматлари кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектлар сони | хизматлар суммаси | аудиторлик хизматлари кўрсатилган хўжалик юритувчи субъектлар сони | хизматлар суммаси |
| 1                                             | 2           | 3                                                                  | 4                 | 5                                                                  | 6                 |
| Аудиторлик хизматлари ҳажми — жами,           | 11          |                                                                    |                   |                                                                    |                   |
| шу жумладан:                                  |             |                                                                    |                   |                                                                    |                   |
| а) мажбурий аудиторлик текширувлари           | 12          |                                                                    |                   |                                                                    |                   |
| Б) ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари | 13          |                                                                    |                   |                                                                    |                   |
| в) профессионал хизматлар                     | 14          |                                                                    |                   |                                                                    |                   |

**IV. Аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар**

| Кўрсаткичлар номи                                                                                   | Сатр рақами | Ҳисобот даврида |                   |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------|-----------------|-------------------|
|                                                                                                     |             | сон             | хизматлар суммаси |
| 1                                                                                                   | 2           | 3               | 4                 |
| Мажбурий ва ташаббус тарзида аудиторлик текширувлари ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар — жами, | 15          |                 |                   |
| шу жумладан, асосий фаолияти бўйича хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги соҳаларга тааллуқлилиги:   |             |                 |                   |
| саноат (енгил ва озиқ-овқат саноати, электроэнергетика бундан мустасно)                             | 16          |                 |                   |
| енгил ва озиқ-овқат саноати                                                                         | 17          |                 |                   |
| электроэнергетика                                                                                   | 18          |                 |                   |
| қурилиш                                                                                             | 19          |                 |                   |
| транспорт, алоқа                                                                                    | 20          |                 |                   |
| қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги                                                                     | 21          |                 |                   |
| савдо ва умумий овқатланиш                                                                          | 22          |                 |                   |
| бошқалар                                                                                            | 23          |                 |                   |

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

## V. Аудиторлик хулосалари бўйича маълумотлар

| Кўрсаткичлар номи                                                     | Сатр рақами | Ҳисобот даврида |                  |                  |                                           |
|-----------------------------------------------------------------------|-------------|-----------------|------------------|------------------|-------------------------------------------|
|                                                                       |             | жами            | шу жумладан:     |                  |                                           |
|                                                                       |             |                 | ижобий хулосалар | салбий хулосалар | аудиторлик хулосасини тузишдан бош тортиш |
| 1                                                                     | 2           | 3               | 4                | 5                | 6                                         |
| Берилган аудиторлик хулосаларининг сони — жами,                       | 24          |                 |                  |                  |                                           |
| шу жумладан:                                                          |             |                 |                  |                  |                                           |
| мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган корхоналар бўйича | 25          |                 |                  |                  |                                           |
| ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича                     | 26          |                 |                  |                  |                                           |

Аудиторлик ташкилотининг раҳбари \_\_\_\_\_  
(фамилияси) (имзо)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_  
(маълумотларни тўлдириш санаси)

Молия вазирининг  
2007 йил 30 октябрдаги 98-сонли  
буйруғига  
2-ИЛОВА

**«Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот»  
шаклини тўлдириш бўйича  
ҚОИДАЛАР**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сонли «Аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг жавобгарлигини ошириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 155-модда) қарорига мувофиқ аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумотларни (бундан кейинги ўринларда — Маълумотлар) тақдим этиш аудиторлик фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларидан бири ҳисобланади.

2. Маълумотлар қўлда ёки почта орқали 1 июль ва 31 декабрь ҳолатларига кўра белгиланган санадан кейин 20 кундан кечикмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади. III, IV ва V бобларнинг кўрсаткичлари 31 декабрь ҳолатига йил бошидан буён жамланган ҳолда тўлдирилади.

3. Маълумотларда барча реквизитлар, сатрлар ва устунлар тўлдирилиши лозим. Аудиторлик ташкилотидида тегишли маълумотлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли у ёки бу сатр (устун), тўлдирилмаган тақдирда, ушбу сатр (устун) чизиб қўйилади. Маълумотлардаги ёзувлар ёзув машинкалари, механизация воситалари ёки ахборот технологиялари ёрдамида бажарилиши лозим.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

4. Маълумотларнинг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

«Аудиторлик ташкилотининг номи»да — белгиланган тартибда рўйхатга олинган таъсис ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилотининг тўлиқ номи кўрсатилади;

«Почта манзили»да — белгиланган тартибда рўйхатга олинган таъсис ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ почта манзили (почта индекси билан биргаликда) кўрсатилади;

«Лицензиянинг тури, рақами ва берилган санаси»да — рухсат этилган аудиторлик текшируви турини қайд этган ҳолда олинган лицензиянинг санаси ва рақами кўрсатилади;

«Устав капитали»да — амалда шакллантирилган устав капиталининг суммаси кўрсатилади;

«Солиқ тўловчининг идентификация рақами»да — аудиторлик ташкилотининг идентификация рақами кўрсатилади;

«Аудиторларнинг жамоат бирлашмасида аъзолиги»да — аудиторлик ташкилоти аъзо бўлган аудиторларнинг жамоат бирлашмаси кўрсатилади;

«Телефон/факс, e-mail»да аудиторлик ташкилотининг алоқа телефони рақами, электрон почтаси (e-mail)нинг манзили кўрсатилади.

5. Аудиторлик ташкилоти филиалларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар аудиторлик ташкилотининг Маълумотларига киритилиши лозим.

6. Маълумотлар раҳбар томонидан имзоланади ва аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланади.

7. Маълумотларда бўяб тузатишлар ва ўчириб ёзишлар бўлмаслиги лозим. Хатолар тузатилган тақдирда раҳбар томонидан тасдиқланган тегишли изоҳлар берилади.

8. Маълумотларда қийматда ифодаланган кўрсаткичлар минг сўмда, бошқа кўрсаткичлар — бирликда келтирилади.

9. Аудиторлик ташкилоти амалда фаолият кўрсатган вақтдан қатъи назар, Маълумотлар ҳар ярим йилда тўлдирилади.

## II. Аудиторлик ташкилоти раҳбари

10. «Аудиторлик ташкилоти раҳбари» бобида қуйидагилар кўрсатилади:

раҳбарнинг фамилияси, исми ва шарифи (тўлиқ) (01 сатр);

раҳбарнинг лавозимга тайинланган санаси, тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг рақами ва санаси (02 сатр);

паспорт маълумотлари, яшаш жойи (паспорт бўйича) (03 сатр);

аудитор малака сертификатининг рақами ва берилган санаси (04 сатр);

малака ошириш курсларини ўтганлиги тўғрисида маълумотлар: курсларни ўтган санаси, курсларни ўтаган ўқув марказининг номи (05 сатр);

аттестациядан ўтган сана (06 сатр).

## III. Ташкилот ходимларининг сони

11. 07 сатрда ҳисобот санаси ҳолатига аудиторлик ташкилотида ишлаётган ходимларнинг умумий сони кўрсатилади.

12. 08 сатрда ҳисобот санаси ҳолатига аудиторлик ташкилотида ишлаётган аудиторларнинг сони кўрсатилади. Қайд этилган сон штатдаги аудиторлар (09 сатр)

ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга (10 сатр) асосан ишлаётган аудиторлар бўйича тақсимланади.

08 сатр 09 ва 10 сатрларнинг йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

13. «Аудиторлар тўғрисида маълумот (штатдаги ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича жалб қилинганлар)» жадвалида аудиторнинг фамилияси, исми ва шарифи (1 устун), унинг лавозимга тайинланган санаси (2 устун), малака сертификатининг рақами ва берилган санаси (3 устун), аудитор томонидан малака оширилганлиги санаси ва ўтган жойи (4 устун) кўрсатилади.

Жадвалда кўрсатилган аудиторларнинг сони 08 сатрда келтирилган сонга тенг бўлиши лозим.

#### IV. Кўрсатилган хизматлар ҳажми

14. 11 сатрнинг 3 устунда ҳисобот даври мобайнида аудиторлик хизматлари кўрсатилган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сони, 4 устунда — ҳисобот даври мобайнида кўрсатилган аудиторлик хизматларининг умумий суммаси кўрсатилади. 5 ва 6 устунларда ўтган йилнинг тегишли даври бўйича худди шундай кўрсаткичлар акс эттирилади.

15. 12, 13 ва 14 устунларда мос равишда ҳисобот даврида ўтказилган мажбурий аудиторлик текширувлари, ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари ва профессионал хизматлар бўйича ҳўжалик юритувчи субъектлар сони ва хизматлар суммаси кўрсатилади.

16. 11 сатр 12, 13 ва 14 сатрларнинг йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

#### V. Аудиторлик текширувлари ўтказилган ҳўжалик юритувчи субъектлар

17. «Аудиторлик текширувлари ўтказилган ҳўжалик юритувчи субъектлар» бобида ҳисобот даври мобайнида текширув ўтказилган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият турлари бўйича тақсимланишини тавсифлайдиган маълумотлар кўрсатилади.

18. 15 сатрда мажбурий ва ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари ўтказилган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сони келтирилади.

15 сатр 16 дан то 23 гача бўлган сатрларнинг йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

19. 16 — 23 сатрларда аудиторлик текширувлари ўтказилган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг умумий сонидан (15 сатр) фаолият турлари бўйича тақсимланган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг сони кўрсатилади.

Ушбу сатрларни тўлдиришда аудиторлик текшируви ўтказилган ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект учун фаолиятнинг фақат бир (асосий) тури танлаб олинади.

Аудиторлик текшируви ўтказилган ҳўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолият тури ушбу ҳўжалик юритувчи субъектга берилган ХХТУТ коди бўйича аниқланади:

а) 16 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича «Саноат» бўлимида (10000) ХХТУТ кодига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларга, енгил ва озиқ-овқат саноати, электрэнергетика бундан мустасно, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

б) 17 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича «Енгил ва озиқ-овқат саноати» бўлимида (17000, 18000) ХХТУТ кодига эга бўлган ҳўжалик юри-

тувчи субъектларга, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

в) 18 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича «Электроэнергетика» бўлимида (11100) ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

г) 19 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича «Қурилиш» бўлимида (60000) ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

д) 20 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича «Транспорт, алоқа» бўлимида (50000) ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

е) 21 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича «Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги» бўлимида (20000, 30000) ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

ж) 22 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича «Савдо ва умумий овқатланиш» бўлимида (70000) ХХТУТ кодига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларга, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади;

з) 23 сатрнинг 3 ва 4 устунларида асосий фаолият тури бўйича бошқа бўлимлар бўйича ХХТУТ кодига эга бўлган, «а» — «ж» қуйи бандларда қайд этилганлардан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларга, мос равишда, кўрсатилган хизматлар сони ва суммаси кўрсатилади.

## VI. Аудиторлик хулосалари бўйича маълумотлар

20. 24 — 26 сатрларда ўтказилган мажбурий ва ташаббус тарзида аудиторлик текширувлари натижалари бўйича ҳисобот даври мобайнида берилган аудиторлик хулосалари тўғрисида маълумотлар кўрсатилади.

Аудиторлик текширувини ўтказиш учун тузилган шартноманинг вақтидан, шартнома бўйича амалда бажарилган ишнинг вақтидан ва бундай хизматлар учун ҳақ тўланган вақтдан қатъи назар, аудиторлик хулосасида қайд этилган сана аудиторлик хулосасининг берилган санаси ҳисобланади.

21. 24 сатрнинг 3 устунида берилган аудиторлик хулосаларининг умумий сони кўрсатилади. Ушбу аудиторлик хулосаларнинг кўрсатилган сони қуйидагилар бўйича тақсимланади:

а) мажбурий аудиторлик текширувлари бўйича (25 сатр);

б) ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувлари бўйича (26 сатр).

22. 24 сатр 25 ва 26 сатрларнинг йиғиндисига тенг бўлиши лозим.

23. Жадвалда 3 устуннинг кўрсаткичлари 4 — 6 устунлар бўйича 70-сонли Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти «Молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси»да (2001 йил 10 март, рўйхат рақами 1016 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 5-сон) кўзда тутилган аудиторлик хулосаларининг турлари бўйича тақсимланади.

## VII. Якуний қоидалар

24. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон аудиторлар палатаси ва Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси билан келишилган.

*Ўзбекистон аудиторлар  
Палатаси раиси*

*Р. ХАЙДАРОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 29 октябрь*

*Ўзбекистон бухгалтерлар ва  
аудиторлар миллий ассоциацияси  
Кенгаши раиси*

*М. ТЎЛАХЎЖАЕВА*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 29 октябрь*

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

—

## 494 Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг ма- лакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
5 декабрда 1745-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 15 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 39-сон, 387-модда, 51-52-сон, 507-модда), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

1. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-га олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори  
фаолиятини мувофиқлаштириш  
ва назорат қилиш маркази  
Бош директори**

**К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 30 октябрь,  
2007-10-сон

Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қим-  
матли қоғозлар бозори фаолиятини муво-  
фиқлаштириш ва назорат қилиш маркази  
Бош директорининг 2007 йил 30 октябрда-  
ги 2007-10-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини  
ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизими-га бўлган мажбурий талабларни ўрнатади.

Ушбу Низом қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлашда қўлланиладиган ўқув режалари, дастурлари ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш** — мутахассиснинг профессионал даражасининг доимий ўсишини таъминловчи, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг малака гувоҳномасига эга бўлган мутахассислар томонидан қимматли қоғозлар бозори соҳасида профессионал билимлар, кўникмалар ва тажрибаларни тизимли тўлдириш ва чуқурлаштириш;

**қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини қайта тайёрлаш** — қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси мақомига эга бўлган ёхуд мустақил равишда жисмоний шахс — қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси сифатида ташкилотда ишлаши учун зарур ва етарлича бўлган ҳажмдаги янги профессионал билимлар, кўникмалар ва тажрибаларни ўзлаштириш;

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

**қимматли қоғозлар бозори мутахассиси** — қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг малака гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахс;

**малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасалари (бундан кейинги ўринларда — таълим муассасаси деб юритилади)** — қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни амалга оширувчи ташкилот;

**қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази.

2. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини қайта тайёрлаш қуйдагилар учун мажбурийдир:

а) қимматли қоғозлар бозорининг I тоифали мутахассиси малака гувоҳномасига эга бўлган ва инвестиция институтларининг раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган шахслар;

б) қимматли қоғозлар бозорининг II тоифали мутахассиси малака гувоҳномасига эга бўлган ва инвестиция институтида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг ички ҳисобини юритувчи шахслар;

в) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи қарорига мувофиқ, қайта тайёргарлик ўташи зарурлиги кўрсатилган шахслар.

3. Мутахассисларни қайта тайёрлаш камида уч йилда бир марта амалга оширилиши лозим.

4. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малака оширганлигини ва улар қайта тайёрланганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб таълим муассасаси томонидан берилган белгиланган шаклдаги гувоҳнома ҳисобланади.

## **II. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг шакллари**

5. Малака ошириш қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

таълим дастурлари бўйича таҳсил олиш — малака ошириш бўйича ихтисослашган таълим муассасасида (академия, институт, марказ, курслар);

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда стажировка ўташ;

илмий-текшириш муассасасида стажировка ўташ.

6. Малака ошириш ихтиёрийлик асосида, иқтисодий йўналишдаги таълим муассасасида малака ошириш курсларида таҳсил олиш йўли билан амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини қайта тайёрлаш олий таълим муассасаларида ва ўқув марказларида амалга оширилади.

7. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаси ва қимматли қоғозлар бозори мутахассиси ёки иш берувчиси ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

## **III. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга оширувчи таълим муассасаларига қўйиладиган талаблар**

8. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга оширувчи таълим муассасалари юридик шахс мақомига эга бўлишлари ва қуйидаги талабларга жавоб беришлари шарт:

а) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган бўлиши;  
б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда таълим фаолиятига берилган лицензияга эга бўлиши (нодавлат таълим муассасалари учун);

в) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан инвестиция маслаҳатчиси сифатидаги фаолиятга берилган лицензияга эга бўлиши (нодавлат таълим муассасалари учун);

г) қимматли қоғозлар бозорининг инвестиция маслаҳатчиси фаолиятига қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга амал қилиниши (давлат таълим муассасалари учун);

д) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг I тоифали малака гувоҳномасига эга бўлган мутахассис ўқитувчиларга тўғри келадиган дарс соатлари сони — ўтказиладиган курсда юклатилган дарслар умумий ҳажмининг 30 фоизидан кам бўлмаслиги.

9. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга оширишда таълим муассасаси уч йилдан кам бўлмаган муддат давомида қуйидаги ҳужжатларни сақлаши лозим:

а) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган, таълим муассасаси томонидан тасдиқланган имтиҳон билетлари саволномалари;

б) баҳолар, билетлар рақамлари, имтиҳон комиссияси аъзоларининг фамилиялари ва уларнинг имзолари қўйилган, имтиҳон комиссияларининг ведомостлари;

в) ўқиш жараёнидаги тингловчиларнинг дарсларга қатнашиш давоматлари, машғулотлар ўтказилган саналар, машғулотлар мавзулари, дарс соатлари сони, ўқитувчиларнинг фамилия ва имзолари кўрсатиб ўтилган журналлар;

г) гувоҳномаларнинг рақамлари, берилган саналари, ўқиш даври, ўқув курсининг номи, тингловчиларнинг исми, фамилияси, отасининг исми, уларнинг паспорт маълумотлари, гувоҳномаларни олганликлари тўғрисидаги имзолар кўрсатиб ўтилган ҳисоб журналлари.

#### **IV. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг ўқув дастурларига белгиланадиган талаблар**

10. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим дастурлари мазмунига асосий талаблар қуйидагилар ҳисобланади:

соҳаларга бўлган профессионал малака талабларига мувофиқлиги;

умумий ўрта, махсус, профессионал ва олий таълимнинг давлат таълим стандартларига қўйилган давлат талабларига нисбатан изчиллиги;

таълимнинг замонавий технология ва воситаларига йўналтирилиши;

дастур мазмунларининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган профессионал фаолият турларига мувофиқлиги;

ўқув дастурларини иқтисодий йўналишдаги олий таълим муассасалари раҳбарияти билан келишилиши.

11. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малака ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ўқув дастурлари қуйидаги назорат чора-тадбирларини назарда тутиши лозим, хусусан:

тингловчиларни тест синовларидан ўтказиш;

ҳажми 25 саҳифадан кам бўлмаган (шрифти — 14, интервал — 2 бўлган) мустақил иш (реферат)ларни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш;

имтиҳонни топшириш.

12. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш даврийлиги ва давомийлиги унинг ташкил этиш шакллари ҳамда қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг малака даражаси ва индивидуал касбий эҳтиёжига бўлган талабларга боғлиқ.

Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини оширишнинг умумий давом этиш даври, асосий иш жойидан ажралган ҳолда камида 2 ҳафта (72 соат) этиб белгиланади.

13. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини қайта тайёрлаш тегишли таълим турини бошқарувчи ваколатли давлат органи билан келишиладиган мақсадли таълим дастурларининг ўқув режалари бўйича амалга оширилади. Дарс юкламасини режалаштиришда асосий эътибор қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг бажарган мустақил ишларига қаратилади.

Қайта тайёрлашнинг давомийлиги олдинги таълим даражаси, қайта тайёрлашнинг шакли ва меҳнат унумдорлигига боғлиқ.

## V. Якуний қоидалар

14. Мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш иккинчи олий ёки ўрта махсус, профессионал маълумотни олиш деб қаралмайди.

15. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирининг  
биринчи ўринбосари*

*А. ПАРПИЕВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 28 октябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҲЙРУҒИ**495** Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
5 декабрда 1746-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 15 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги ва «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ—532-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) 26-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ—594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сон, 82-модда) асосан буюраман:

1. Илова қилинган Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш Қоидалари тасдиқлансин.

2. Ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 27 июндаги 59-сон «Бюджетдан маблағ тақсимловчи (олувчи)ларнинг шахсий ҳисобварағини очиш ҳақида Вақтинчалик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2006 йил 24 июль, рўйхат рақами 1600 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 297-модда) буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 18 октябрдаги 89-сон «Бюджетдан маблағ тақсимловчи (олувчи)ларнинг шахсий ҳисобварағини очиш ва ёпиш бўйича Вақтинчалик қоидаларини тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2006 йил 25 октябрь, рўйхат рақами 1600-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 43-44-сон, 431-модда) буйруғи.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 17 октябрь,  
93-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

Молия вазирининг  
2007 йил 17 октябрдаги 93-сон буйруғи  
билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ва  
унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш  
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги ва «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 51-52-сон, 507-модда) 26-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 9-10-сон, 82-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — ғазначилик бўлинмалари деб юритилади) томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини очиш, ёпиш ва уларнинг бюджет маблағлари (Захира жамғармаси маблағларини ҳисобга олган ҳолда) ва бюджетдан ташқари маблағлари (кейинги ўринларда — бюджетдан маблағ олувчилар деб юритилади) бўйича операцияларни акс эттириш билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Бюджетдан маблағ олувчиларга шахсий ҳисобварақларини очиш ва ёпиш, шунингдек улардаги операцияларни акс эттириш ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Бунда, республика ва маҳаллий ғазна ҳисобварақларидан фойдаланиш (кейинги ўринларда — ғазначилик ҳисобварақлари деб юритилади) орқали бюджетнинг ғазна ижроси билан қамраб олинadиган бюджетлар, харажатлар гуруҳлари, бюджетдан маблағ олувчилар, шунингдек капитал қурилиш буюртмачилари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**бюджетдан маблағ олувчилар** — Давлат бюджетидан маблағ ажратилиши назарда тутилган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек капитал таъмирлаш буюртмачилари;

**капитал таъмирлаш буюртмачилари** — Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган қурилиш объектларини бошқариш ва техник назорат функцияларини амалга ошириш мақсадида ваколатли орган томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилган ягона буюртмачи хизмати (кейинги ўринларда — капитал таъмирлаш буюртмачилари деб юритилади);

**Захира жамғармаси маблағлари** — бюджет тузилишида ҳисобга олинишининг имкони бўлмаган, йил мобайнида кўзда тутилмаган иқтисодий, ижтимоий-ма-

даний ва бошқа соҳалардаги қўшимча харажатларни молиялаштириш (тўлаш)га йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Захира жамғармаси маблағлари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари маблағлари;

**бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари** — ижтимоий тўловлар учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, ота-оналарнинг мактабгача ва мактабдан ташқари ташкилотларда болаларни сақлаш учун, жумладан мусиқа мактабларида болаларни ўқитиш учун тўловлари, ишчилардан озик-овқат ҳисоб-китоблари учун тушумлар (мактабгача болалар ташкилотлари, интернатлар ва бошқалар), улар томонидан иш жойидан оладиган, кейинчалик жорий қонунчиликда белгиланган мақсадларга йўналтирилиши билан ғазна ҳисобварақларига ўтказиладиган маблағлар;

**бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақлари** — тегишли бюджетдан маблағ олувчилар, жумладан капитал қурилиш буюртмачилари учун ғазначилик бўлинмалари томонидан очиладиган, бюджет, шу жумладан Захира жамғармалари ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича, ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда, маблағлар ҳаракати билан боғлиқ таҳлилий ҳисоблар регистри.

**манзилли рўйхат (лойиҳа-тадқиқот ишлари манзилли рўйхати)** — ҳар йили буюртмачилар томонидан тузиладиган ва ўрнатилган тартибда ажратилган маблағлар лимитлари доирасида тасдиқланадиган, объектлар рўйхатини ҳамда улардан фойдаланиш йўналишлари бўйича ишлар ва харажатлар ҳажмини ўз ичига олувчи молиявий ҳужжат;

**қурилишнинг титул рўйхати** — қурилишнинг бутун даврига капитал қўйилмалар ҳажми ва уни сарфлаш йўналишлари кўрсатилган, унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган ҳолда ҳар бир объект бўйича тузиладиган молиявий ҳужжат;

**капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмаси** — қурилишнинг бюджет таснифи кўрсаткичлари асосида капитал қўйилмалар лимитлари, уларни сарфлаш йўналишлари кўрсатган ва уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган ҳолда ҳамда бюджет харажатларини ойлар ёйилмасида ҳар бир объект бўйича буюртмачи томонидан тузиладиган, тасдиқланадиган ва тегишли молия органи билан ўрнатилган тартибда келишиладиган молиявий ҳужжат;

**харажатлар тўлови рухсатномаси (кейинги ўринларда — ХТР)** — ХТРда кўрсатилган давр мобайнида тегишли ғазна ҳисобварағидан бюджетдан маблағ олувчи харажатлар тўловлари учун ишлатилиши мумкин бўлган бюджет маблағларини кўрсатувчи, ғазначилик бўлинмалари томонидан тасдиқланган бюджет маблағлари асосида тузиладиган ва бюджетдан маблағ олувчиларга тақдим қилинадиган ҳужжат;

**юримдик мажбурият** — юримдик (жисмоний) шахсларнинг иккинчи томон олдидаги тузилган шартномалар, келишувлар ва тегишли ҳокимият органларининг қарорлари бўйича юзага келган мажбуриятлари;

**молиявий мажбурият** — юримдик (жисмоний) шахсларнинг иккинчи томон, товар (иш ва хизмат)лар етказиб берувчилар олдидаги етказиб берилган товар (иш ва хизмат)лар учун ҳақ тўлашни тасдиқловчи ҳужжатлар, жумладан ҳисоб-тўлов ҳужжатларида ҳисобланган, ишчиларга иш ҳақи, тўлов ҳужжатлари, суд қарорлари, ҳамда бюджетдан маблағ олувчиларни мол етказиб берувчи ёки тўловни қабул қилувчига маблағларнинг ўтказилиш мажбуриятини юкловчи ҳужжатлар.

**II. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақларини ғазначилик бўлинмалари томонидан юритилиши**

**§ 1. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларининг тузилиши**

3. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағларининг сарфланиши бўйича операцияларнинг ҳисобини юритиш мақсадида ғазначилик бўлинмалари томонидан Давлат бюджетининг бюджет таснифи бўлимлари, боблари ва параграфлари бўйича қуйдагиларнинг ҳисобини юритиш учун шахсий ҳисобварақлар очилади:

бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўзини сақлаш ва марказлашган тадбирларни амалга ошириш учун харажатлар сметасида кўзда тутилган тасдиқланган (аниқланган) режали бюджет ажратмалари;

юридик шахс мақомига эга бўлмаган қуйи ташкилотлар учун кўзда тутилган тасдиқланган (аниқланган) режали бюджет ажратмалари;

капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмасида кўзда тутилган тасдиқланган (аниқланган) режали бюджет ажратмалари;

Захира жамғармаси маблағлари бўйича харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлари;

рўйхатга олинган юридик мажбуриятлари;

бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинган молиявий мажбуриятлар суммаси;

харажатлар тўлови рухсатномалари (ХТР);

бюджетдан маблағ олувчилар томонидан амалга ошириладиган касса харажатлари.

4. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағларининг тушуми ва харажати бўйича операцияларнинг ҳисобини юритиш мақсадида ғазначилик бўлинмалари томонидан Давлат бюджетининг бюджет таснифи бўлимлари, боблари ва параграфлари бўйича қуйдагиларнинг ҳисобини юритиш учун шахсий ҳисобварақлар очилади:

бюджетдан маблағ олувчиларнинг тегишли сметаларида назарда тутилган тасдиқланган (аниқланган) режали бюджетдан ташқари ажратмалари (бюджетдан ташқари маблағларнинг тушуми ва сарфланиши чекланмаган турлари бундан мустасно);

келиб тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар;

бюджетдан ташқари маблағлар тушумлари доирасида ўрнатилган тартибга мувофиқ йўналтириладиган тегишли харажат турлари бўйича рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар;

бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим қилинадиган молиявий мажбуриятлар суммаси;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари тушумлари доирасида, қонунчиликда кўзда тутилган мақсадларда амалга ошириладиган касса харажатлари.

5. Шахсий ҳисобварақлар бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини рўйхатга олиш Журналида қайд қилинади (Мазкур қоидаларга 1-сон илова).

Ҳар бир шахсий ҳисобвараққа тегишли уникал рақам берилади.

6. Бюджетдан маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағининг уникал рақами йигирма икки разряддан иборат бўлиб:

| Разряд рақамлари |   |   |   |   |   |   |   |   |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |
|------------------|---|---|---|---|---|---|---|---|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|
| 1                | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 |

шулардан:

1 — 6 гача разрядлар — тасдиқланган маблағларнинг манбалари ва бюджет даражаси Таснифига мувофиқ маблағларнинг манбалар коди ва бюджет даражаси;

7 — 11 гача разрядлар — тасдиқланган ҳудудлар Таснифига мувофиқ, ҳудудий тегишлилик коди;

12 — 19 гача разрядлар — бюджетдан маблағ олувчилар бўйича бюджет таснифининг тегишли кўрсаткичлари кодлари, бунда:

12 — 14 гача разрядлар — бюджетдан маблағ олувчининг тегишли бўлим коди;

15 — 17 гача разрядлар — бюджетдан маблағ олувчининг тегишли боб коди;

18 — 19 гача разрядлар — бюджетдан маблағ олувчининг тегишли параграф коди.

20 — 22 гача разрядлар — бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий рақам коди.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг 3 разряддан ташкил топган шахсий ҳисобварағининг шахсий рақами автоматик тарзда Давлат бюджети газна ижроси бўйича дастурий мажмуаси орқали берилади ва алоҳида ҳар бир бюджет бўйича тегишли газначилик бўлинмаси томонидан 001 дан 999 гача рақамлардан фойдаланган ҳолда, бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини рўйхатга олиш Журналида қайд қилинади.

Бунда, бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини рўйхатга олиш Журнали газначилик бўлинмалари томонидан бир вақтнинг ўзида қоғоз ва электрон тарзда юритилади.

## § 2. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини очиш, ёпиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш

7. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақларининг очилиши газначилик бўлинмалари томонидан қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

а) мазкур Қоидаларнинг 2-сонли иловаси шаклига асосан, бюджетдан маблағ олувчининг газначилик бўлинмаси раҳбарининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг рухсат берувчи ёзуви қўйилган шахсий ҳисобварақ очиш тўғрисидаги аризаси.

Агар, бюджетдан маблағ олувчи бир вақтнинг ўзида юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчилар учун бюджет маблағларини тақсимловчи бўлса, тегишли шахсий ҳисобварақлар очиш учун мазкур Қоидаларнинг 2-сонли иловаси шакли бўйича бир нусхада ариза, унга илова қилиб мазкур Қоидаларнинг 3-сонли иловаси шаклига асосан хизмат кўрсатиладиган қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхати тақдим этилади;

б) харажатлар сметаси нусхаси, жумладан вақтинчалик ва аниқланган ҳамда унга молия органларининг мансабдор шахслари тасдиқлаган ва молия органларининг муҳри қўйилган зарур ҳужжатларнинг иловалари билан, Захира жамғармаси маблағлари бўйича харажатлар сметалари нусхалари.

Бунда, ўрнатилган тартибда ўзининг тасарруфида бўлган, юридик шахс мақо-

мига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларига хизмат кўрсатиш ва ҳисобини юритишни амалга оширадиган бюджетдан маблағ олувчилар учун уларнинг шахсий харажатларини (шахсий харажатлар сметаси асосида) ҳисобини юритиш учун алоҳида шахсий ҳисобварақ очилади ва хизмат кўрсатиладиган қуйи бюджетдан маблағ олувчилар учун (умумий харажатлар сметалари асосида) алоҳида ҳар бир бюджет таснифининг параграфи бўйича шахсий ҳисобварақлар очилади;

в) капитал қурилиш объектлари бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмаси, қурилишларнинг манзилли рўйхати (лойиха-тадқиқот ишларининг манзилли рўйхати) нусхаси, қурилишларнинг титул рўйхати нусхаси (капитал қурилиш буюртмачилари учун);

г) мазкур Қоидаларнинг 4-сонли иловаси шаклига асосан бир нусхада юқори ташкилот томонидан ёки нотариал тасдиқланган молиявий ҳужжатларга имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотнинг мансабдор шахсларининг имзо намуналари ва шахсий ҳисобварақлар билан операцияларни амалга оширишдаги ташкилотнинг муҳр изи туширилган карточкаси.

Бунда, ғазначилик бўлинмаларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг олдин очилган ҳисобварақлари мавжуд бўлганда, ушбу бюджетдан маблағ олувчиларга Заҳира жамғармасидан маблағларни харажат қилиш учун ҳисобварақлар очиш учун юқорида кўрсатилган имзо намуналари карточкасини тақдим этмасдан ҳужжатлар топширишига рухсат берилади.

8. Ғазначилик бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари учун ҳисобварақлари қуйидаги ҳужжатлар асосида очилади:

а) мазкур Қоидаларнинг 2-сонли иловаси шаклига асосан ғазначилик бўлинмасининг раҳбари ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг рухсат берувчи ёзуви қўйилган бюджетдан маблағ олувчининг аризаси.

Агар, бюджетдан маблағ олувчи бир вақтнинг ўзида юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчилар учун бюджет маблағларини тақсимловчи бўлса, тегишли шахсий ҳисобварақлар очиш учун мазкур Қоидаларнинг 2-сонли иловаси шакли бўйича бир нусхада ариза, унга илова қилиб мазкур Қоидаларнинг 3-сонли иловаси шаклига асосан хизмат кўрсатиладиган қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг рўйхати тақдим этилади.

б) бюджетдан ташқари маблағларнинг тушумлари ва харажатлари лимити кўрсатилган (тушумлари ва маблағларнинг харажат қилиниш йўналишлари лимитланмаган бюджетдан ташқари маблағлари бундан мустасно) тегишли смета харажатларининг нусхаси.

Бунда, юридик шахс мақомига эга бўлмаган, қуйи бюджетдан маблағ олувчилар харажатларининг ўрнатилган тартибда ҳисобини юритувчи ва хизмат кўрсатувчи бюджетдан маблағ олувчилар учун, хизмат кўрсатилаётган қуйи бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари харажатлари ҳисобини юритиш учун (бюджет таснифи харажатларининг ҳар бир параграфи бўйича тузилган умумий харажатлар сметаси асосида) ҳисобварақлар очилади.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари учун ҳисобварақлар очиш учун илгари бюджет маблағлари бўйича ҳисобварақларни очиш учун тақдим этилган имзо намуналари карточкалари ишлатилади.

9. Ғазначилик бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчилар томонидан мазкур Қоидаларнинг 7-8-бандларида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни тақдим этган кундан бошлаб икки иш куни давомида уларнинг мазкур Қоидалар талабларига мувофиқлигини текширади ва улар тўғри бўлган ҳолатда шахсий ҳисобварақлар очади.

Агар тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Қоидаларда кўзда тутилган талабларга мувофиқ келмаса, мазкур ҳужжатлар фазначилик бўлинмаси томонидан ҳисобварақлар очмасдан бюджетдан маблағ олувчига қайта ишлаш ёки камчиликларни тўғри-лаш учун қайтарилади.

10. Ҳисобварақлар очилишига асос бўлган бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди ва улар фазначилик бўлинмаларида ўрнатилган тартибда сақланади.

11. Фазначилик бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчиларнинг сўровига кўра шахсий ҳисобварақлар очилган куннинг кейинги кунидан кечиктирмасдан улар учун очилган шахсий ҳисобварақлар тўғрисида маълумот беради. Ўз навбатида бюджетдан маблағ олувчилар икки кун муддат ичида фазначилик бўлинмаларида улар учун очилган шахсий ҳисобварақлар реквизитларини тегишли солиқ органлари, ижтимоий таъминот органлари ва товар (иш ва хизмат)лар етказиб берувчиларга еткази-лади.

12. Бюджетдан маблағ олувчининг қайта ташкил этилиши ва унинг бўйсун-шининг ўзгариши ёки ташкилий-ҳуқуқий мақомининг ўзгариши билан боғлиқ бўлма-ган тарзда шахсий номи ўзгарганда, ваколатли давлат органидан янги шахсий ном олгандан сўнг, бир иш кун ичида давомида бу ҳақда тегишли фазначилик бўлинмасига ёзма равишда хабар қилади.

Фазначилик бўлинмалари ёзма билдиришнома асосида бюджетдан маблағ олув-чининг номи ўзгариши билан шахсий ҳисобвараққа шахсий ҳисобварақнинг уникал рақамини ўзгартирмаган ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритади.

13. Бюджетдан маблағ олувчи қайта ташкил этилганда (бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиш, қайта ташкил этиш), янги вужудга келган бюджетдан маблағ олувчилар учун ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг, қўшилиш шаклида қайта ташкил этилганда бюджетдан маблағ олувчи юридик шахсларнинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзув ягона давлат реестрига киритилгандан сўнг, фазначилик бўлинмасига шахсий ҳисобварақларни ёпиш учун бюджетдан маблағ олувчининг қайта ташкил этилганлиги ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинган ариза тақдим этади.

14. Бюджетдан маблағ олувчи тугатилганда, тугатилаётган ташкилотнинг раҳ-бари ушбу жараён бошлангандан бошлаб икки кун ичида фазначилик бўлинмасига юқори турувчи ташкилот ёки ўрнатилган тартибда нотариал тасдиқланган тугатиш тўғрисидаги ва тугатиш комиссиясининг тайинланиши тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхаларини тугатиш комиссиясининг фаолият юритиш муддатларини кўрсатган ҳолда тақдим этади.

15. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини уларнинг қайта ташкил этилиши, бўйсунувдаги ўзгаришлари, тугатиш комиссиясининг иш фаоли-ятининг тугатилиши, бюджетдан маблағ олувчининг бошқа фазначилик бўлими то-монидан хизмат кўрсатилишига ўтиши муносабати билан ёки қонун ҳужжатларда кўзда тутилган бошқа ҳоллатларда ёпиш мазкур Қоидаларнинг 5-сонли иловасидаги шахсий ҳисобварақни ёпиш тўғрисидаги аризага мувофиқ амалга оширилади.

Шахсий ҳисобварақнинг ёпилиши бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини рўйхатга олиш Журналида қайд этилади.

16. Фазначилик бўлинмаси томонидан бюджетдан маблағ олувчиларга янги шахсий ҳисобварақларни очиш қайта ташкил этиш жараёни тугатилгандан сўнг, шунингдек бюджетдан маблағ олувчининг турган бюджет даражасининг ўзгариши ва бир фазначилик бўлинмасидан бошқа фазначилик бўлинмасига хизмат кўрсатили-шига ўтганда, мазкур Қоидаларнинг 7-8-бандларига асосан амалга оширилади.

**§ 3. Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича шахсий ҳисобварақларда операцияларнинг акс эттирилиши**

17. Ҳазначилик бўлинмасининг ваколатли ходимлари бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларининг тегишли сатрларида қуйидаги суммаларни акс эттирадilar:

а) бюджет маблағлари бўйича:

бюджетдан маблағ олувчиларнинг тасдиқланган харажатлар сметалари, шунингдек вақтинчалик харажатлар сметалари ҳамда капитал қурилиш бўйича харажатларнинг ойлик ёйилмалари, Захира жамғармаси маблағлари бўйича харажатлар сметалари нусхаларида кўрсатилган;

бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметалари, шунингдек капитал қурилиш харажатларининг ойлик ёйилмаларига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилган бюджет маблағлари манбалари;

бюджетдан маблағ олувчиларга берилган ХТР;

ҳазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар;

бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ҳазначилик бўлинмаларига тақдим этилган молиявий мажбуриятлар;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳазначилик бўлинмалари томонидан тўланган (ўтказилган), шунингдек нақд пул шаклидаги тўланган маблағлар;

б) бюджетдан ташқари маблағлар бўйича:

тегишли ва вақтинчалик сметаларда кўрсатилган харажатлар (бюджетдан ташқари тушумлар ва уларнинг йўналиши чекланмайдиган харажатлар турлари бундан мустасно);

юқорида кўрсатилган харажатлар сметаларига киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган аниқлаштирилган режалар;

мазкур Қоидаларда белгиланган тарзда келиб тушган Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар;

ҳазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган юридик мажбуриятлар;

ҳазначилик бўлинмаларига бюджетдан маблағ олувчилар томонидан тақдим этилган молиявий мажбуриятлар;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳазначилик бўлинмалари томонидан тўланган (ўтказилган), шунингдек нақд пул шаклидаги тўланган маблағлари.

18. Ҳазначилик бўлинмалари бюджетдан маблағ олувчиларнинг сўровларига кўра уларнинг тегишли шахсий ҳисобварақларидан операциялар амалга оширилган кундан кейинги кундан кечикмаган ҳолда, уларга ушбу шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар мазкур Қоидаларнинг 6 — 10-сонли иловалари шакллари асосида тақдим этади.

**III. Якуний қоидалар**

19. Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан шахсий ҳисобварақлар очиш, қайта рўйхатга олиш ва ёпиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ўз вақтидалиги, ҳаққонийлиги ва тўлиқлиги бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетдан маблағ олувчиларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари жавобгардирлар.

20. Мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ шахсий ҳисобварақларнинг ўз вақтида очилиши, қайта рўйхатга олиниши, ёпилиши, маълумотларни ўз вақтида акс эттирилиши ва бюджетдан маблағ олувчиларга уларнинг шахсий ҳисобварақла-

ридан кўчирмалар тақдим этилиши юзасидан фазначилик бўлинмаларининг тегишли ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгардирлар.

